БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 230 (18.707). • Чоршанба, 1983 йил 5 октябрь • Баҳоси 3 тийин.

МУРОЖААТГА АМАЛИЙ ИШ БИЛАН ЖАВОБ БЕРАЙЛИК!

ҚАЛБ АМРИ БИЛАН

Бригадамиз пахтакорлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг Мурожаатини пахта йиғим-теримини ташкилий жиҳатдан уюшқоқлик билан ўтказишда жанговар программа сифатида қабул қилдилар. Ҳақиқатда республикамизда «оқ олтин»дан рекорд ҳосил етиштирилди. 6 миллион тонналик маррани сўзсиз эгаллашимиз мумкин ва лозим.

Лекин пахтанинг асосий қисми ҳали чаноқларда турибди. Тўғри, республикамизнинг «оқ олтин» хирмони 2 миллион тоннадан ошиб, 3 миллион тонна сари боряпти. Лекин суръатдан қаноат ҳосил қилишимиз қийин. Нега деганда суръат ўтган йилдагидан анча орқада қоляпти. Бунинг устига кун қисқаряпти. Бундай шароитда суръатни кескин кўтариш, ўтган йилги маррадан ўзиб кетиш биз, пахтакорларнинг шарафли бурчимиздир. Она-Ватан биздан кўп ва сорти юқори пахта кутяпти.

Бизнинг бригадамиз аъзолари бу йил гектаридан 60 центнердан «оқ олтин» етиштириш мажбуриятини олганлар. План бўйича ярим маррадан ўзганимизга анча бўлди. Лекин бу ҳисоб эмас. 60 центнерлик маррани эгаллаганимиздан кейингина пахтакорлик номини шарафладик дея оламиз. Унгача суръатни дақиқалар сайин ошириб борамиз. Ҳозир бригадамиз бўйича кунига 7—8 процентдан пахта тайёрлаяпмиз. Мурожаатга жавобан 10—12 процентлик кўрсаткичга эришамиз.

Маҳкамой ҲАЗРАТҚУЛОВА,
Нишон районидаги Карл Маркс номли совхоз пахтачилик бригадаси бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

ДОЛЗАРБ КУНЛАР КЕЛДИ

Пахта... У — совет халқининг шон-шуҳрати, нафтихори. Пахта, саноатнинг нони, истеъмол моллари ишлаб чиқариш учун бебаҳо хом ашё. Бинобарин, қардош республикаларнинг, социалистик ҳамдўстликдаги барча мамлакатларнинг корхоналари унга интизор. Республикамизда яшовчи ҳар бир киши буни жуда яхши ҳис қилади. Шунинг учун ҳам улар она-Ватанга беш йилликнинг ўзак йилида ҳам аввалги йиллардаги каби камида олти миллион тонна «оқ олтин» армуғон этишдан иборат ўз ватанпарварлик ва интернационал бурчини ҳозир алоҳида масъулият билан сезиб турибдилар.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, ҳозиргача мўлжалдаги ҳосилнинг учдан бир қисми далалардан териб олинди, унинг сифати юқори баҳоланди. Бунга осонликча эришилгани йўқ. Баҳордаги ёмғир ва дўллар, ёздаги жазирама иссиқ ва гармселлар, ғўзанинг ўсиш даврида ҳароратнинг ҳаддан ташқари кўтарилиб кетганлиги бу йилги «оқ олтин» хирмонини яратиш учун олиб борилган курашда оғир синов бўлди. Аммо, республикамизнинг пахтапарвар миришкорлари мардлик ва ваъдага вафодорликни, юксак уюшқоқлик, сабр-матонат, тажриба ва меҳнатсеварликни об-ҳаво қийинчиликларига, табиий офатларга қарама-қарши қўйдилар. Зиммага олинган юксак мажбуриятларни адо этиш учун бемалол етадиган мўл-кўл ҳосил етиштирилди.

Ҳосилнинг кўп қисми ҳали далада. Уни имкони борича қисқа фурсатларда йиғиб-териб олиш лозим. Йиғим-терим суръати эса ўтган йилдагига нисбатан пастроқ. Ҳарорат ҳам гоҳ кўтарилиб, гоҳ тушиб турибди. Эртаниндин об-ҳаво айнаб, ёмғир ёғиши, совуқ бошланиши, қор тушиши мумкин. Очиқ келган ҳар кун ва соатдан ғоят унумли фойдаланиш — ҳозир республикадаги ҳар бир кишининг энг муҳим ва энг масъулиятли вазифасидир.

Йиғим-теримнинг дастлабки ойи тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, индустриал Тошкент технологиясини сабот билан жорий этаётган областлар, районлар, хўжаликлар юксак иш унумига эришмоқдалар. Ғиждувон, Шофиркон, Гурлан, Хонқа, Бўка, Ленинобод, Эллиққалъа, Ленинград, Ленин йўли, Оққўрғон, Бувайда, Ленин районлари ва бошқа кўпгина районларнинг анчагина хўжаликлари пахтакорлари аъло даражада, зарбдорларча, коммунистчасига ишлаяптилар.

Афсуски, ҳозирги суръат етарли эмас. Ҳозир пахтазордаги куч-ғайратни икки-уч ҳисса ошириш муҳимдир. «Оқ олтин» теримида андаккина сусткашликка йўл қўйиш — минг-минглаб кишиларнинг қосил учун курашдаги қаҳрамонона меҳнатини пучга чиқаришни мумкинлигини асло эсдан чиқармаслик керак. План ва социалистик мажбуриятларни бажариш учун ҳамма жойда зўр қатъият ва ишчанлик, матонат ва маҳорат кўрсатиш, техникадан ва ишчи ресурсларидан самарали фойдаланиш, меҳнатни ташкил қилиш ва рағбатлантиришнинг илғор формаларини жорий этиш, мавжуд ҳамма резервларни ишга солиш — жойлардаги партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари, хўжалик органлари, агросаноат бирлашмалари олдида турган долзарб вазифадир.

Ўзбекистоннинг олти миллион тонналик юксак хирмонини бунёдга келтириш учун ҳал қилувчи дамлар бошланмоқда. Шунга эришайликки, «оқ олтин» теримида қалб амри билан бевосита ёрдам берди, ҳар бир колхоз ва совхознинг, ҳар бир район ва областнинг мажбуриятларини бажаришини жадаллаштириш, ўтган йиллардан қолган қарз бўлса, уни тугатиш — ҳар бир кишининг шон-шараф ва виждон ишига айлансин. Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг шонли 60 йиллигига нишонланадиган 1984 йилга бironта ҳам хўжалик қарздор бўлиб қадам қўймаслиги керак.

«Бунинг фақат битта йўли бор, — дейилади Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг кеча матбуотда эълон қилинган республика коммунистлари ва комсомолларига, эркак ва аёл колхозчиларига, ишчиларига, механизаторларига, агросаноат комплекси раҳбарлари ва мутахассисларига, студентлар ва ўқувчиларига, барча меҳнаткашларига Мурожаатида. —Республикада яшовчи ҳар бир киши ҳосилнинг тақдири учун шахсан масъул эканини англаб олиши ва буни чуқур ҳис этиши лозим».

Биринчи бўлиб пахтакорларнинг сафида туриш, энг қийин участкаларда пешқадам бўлиш, одамларни руҳлантириш, қўл теримида ҳам, «зангори кема»ларни ишлатишда ҳам, пахта ташиш ва қабул қилишда ҳам фидокорлик намуналарини кўрсатиш — коммунистлар ва комсомолларнинг фахрли бурчидир. Терим кампаниясини тез ва сифатли тугаллаш, мажбуриятни бажариш масалалари партия ташкилотларида булиб ўтаётган ҳисоботсайлов йиғилишларида бош масала бўлмоғи лозим. Ҳар бир партия ташкилоти ишчанлик ва сиёсий етукликнинг бу синовидан шараф билан ўтмоғи даркор.

Партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари теримчилар, механик-ҳайдовчилар ва ҳашарчилар ўртасида социалистик мусобақанинг юксак таъсирчанлигига эришишни, энг яхши пировард натижаларни, энг юксак меҳнат унумдорлигини қўлга киритишни таъминлашга даъват этилгандирлар. Бу соҳада идеология ишининг форма ва методларини такомиллаштириш, далада ишловчи барча кишиларга эътиборли ва меҳрибон бўлиш, зарбдор меҳнат намуналарини кўрсатиш, уларга энг қулай шарт-шароитларни яратиб бериш, илғорларни маънавий ва моддий рағбатлантиришнинг ҳамма шаклларини омилкорлик билан қўшиб олиб бориш алоҳида аҳамият касб этади.

Бу йилги терим мавсуми шавкатли дала гвардиячилари — қишлоқ механизаторларидан юксак масъулият ва уюшқоқликни, ҳосилни нест-нобуд қилмай, янги давлат стандарти талабларига мувофиқ юқори сифатли қилиб териб олишни тақозо этмоқда. «Зангори кема»ларни икки сменада ишлатиш, бутун терим техникаси комплексини қўниқ, пухта ишлатиш йўли билангина терим суръатини ошириш мумкин. Шунинг учун ҳам механизаторлар пахта етиштиришда етакчи куч эканликларини унутмасликлари, об-ҳаво имкон берадиган очиқ кунларнинг ҳар дақиқасидан унумли фойдаланишлари лозим.

Ўзбекистонда қалб амри билан ҳамма пахтакор. Ҳозирги долзарб кунлар масъулияти ҳар бир кишининг ўрни пахтазорда, теримчилар сафида бўлишини тақозо этмоқда. Бурч ва виждон амри ҳеч кимни асосий ишдан — мўл ҳосилни сўнгги мисқолигача териб олишдан четда қолишга йўл қўймайди.

Пахтазор жипсликка, куч-ғайратларни бирлаштиришга, темир интизомли бўлишга даъват этмоқда. КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Ю. В. Андроповнинг социалистик меҳнат интизоми ва тартибни мустаҳкамлаш ҳақидаги, пировард натижаларга жуда катта таъсир ўтказиш тўғрисидаги кўрсатмалари республикамиз пахта далаларида алоҳида салмоқ ва чуқур маъно эга бўляпти. Интизом, тартиб, уюшқоқлик ва юксак унумдорлик бутун пахта конвейерида ўзгармас қонда бўлиб қолсин.

«ОҚ ОЛТИН» МАВСУМИДА ДОЛЗАРБ КУНЛАР КЕЛДИ. БУГУН ЮРАГИДА ЎТИ, БИЛАГИДА КУЧИ БОР ҲАР БИР КИШИНИНГ ЎРНИ ДАЛАДА! ҲАММА — ПАХТА ТЕРИМИГА!

ҲАММАМИЗ — ПАХТАКОРМИЗ!

«Биз ҳаммамиз ҳозир пахтакормиз!» — республика партия ва ҳукуматининг даъваткор Мурожаатидаги ана шу сўзлар «Ташсельмаш» заводи ишчи-хизматчиларини ҳам янги зафарларга чорлади. Корхонада қишлоқ хўжалик меҳнаткашларига замонавий машина ва механизмларни ўз вақтида етказиб бериш учун социалистик мусобақа янада авж олди. Суратда: корхона йиғув цехининг ишчилари республика партия ва ҳукумати Мурожаати билан танишмоқдалар.

В. Молгачёв фотоси.

1983 ЙИЛ ҲОСИЛ МАВСУМИ:

РЕСПУБЛИКА МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

Республика меҳнаткашлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг Мурожаатини зўр қувонч билан кутиб олдилар. Ҳар бир киши Ватанга камида 6 миллион тонна «оқ олтин» етказиб беришдек интернационал ва ватанпарварлик бурчини алоҳида масъулият билан ҳис қилмоқда.

Жиззах, Наманган, Самарқанд, Сирдарё, Андижон, Қашқадарё, Навоий, Хоразм областларида ўтган кунга нисбатан пахта тайёрлаш суръатининг ўсишига эришилди. Бир кунда 128245 тонна, мавсум бошидан буён 2041701 тонна пахта тайёрланди. Машиналар бункеридан ўтган куни 59428 тонна, жами 481525 тонна хом ашё тўкилди. Бир кунда 8581 тонна, мавсум бошидан буён 168074 тонна қимматбаҳо ингичка толали пахта териб топширилди.

МУРОЖААТГА ЖАВОБАН

ИЗБОСКАН РАЙОНидаги «Ўзбекистон» колхозининг Олимжон Парпиев ва Нажмиддин Жўраев каби механизаторлари ўз агрегатларини пахтазорга олиб чиқиши билан Мамасоли Мамадалиев бошлиқ бригадасида кунига йиллик планнинг 12—15 процентидан пахта тайёрлашга эришилди. Кейинги уч кун мобайнида бригада коллективи планнинг 40 процентига етказиб «оқ олтин» териб топширди. Республика партия ва ҳукуматининг Мурожаатига амалий иш билан жавоб беришга ваъда қилган илғор бригада коллективи йиллик топшириқни 15 октябрга қадар бажариш мажбуриятини олди.

РЕСПУБЛИКАДА ЯШОВЧИ ҲАР БИР КИШИ ҲОЗИР ВАТАНГА КАМИДА 6 МИЛЛИОН ТОННА «ОҚ ОЛТИН» БЕРИШДАН ИБОРАТ ЎЗ ВАТАНПАРВАРЛИК ВА ИНТЕРНАЦИОНАЛ БУРЧИНИ АЛОҲИДА МАСЪУЛИЯТ БИЛАН ҲИС ЭТИБ ТУРИБДИ. БИЗНИНГ БУТУН ФИКР-ЗИКРИМИЗ ВА МУДДАОЛАРИМИЗ ШУ МАҚСАДГА ҚАРАТИЛГАН.

(Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг Мурожаатидан).

МЕҲНАТ ОТПУСКАСИ — ДАЛАДА

Республика партия ва ҳукуматининг даъваткор Мурожаатига амалий иш билан жавоб беришга ваъда қилган ИШТИХОН РАЙОН комсомол комитетининг иккинчи секретари Баҳор Рўзиева ўз меҳнат отпускасини «зангори кема» штурвалида ўтказмоқда. «Янгикент» совхози далаларида пахта тераётган комсомол етакчиси кунига ўз агрегати бункеридан 3—3,5 тонна «оқ олтин» тўкмоқда. У мавсум охиригача 150 тонна «оқ олтин» териб беришга бел боғлаган.

МАРДЛАР МАЙДОНИ

3 октябрь куни СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТИ далаларида 147 мингдан зиёд теримчи ишлади. Уларнинг ҳар бири ўртача 38 килограммдан пахта терди. Гагарин райони далаларида меҳнат қилаётган теримчилар 43 килограммдан дурдона териб, энг юқори кўрсаткичга эришдилар. Шу куни область пахтазорларида 1446 терим агрегати ишлатилди. Ҳар бир «зангори кема» ёрдамида ўртача 2,5 тоннадан юқори сифатли хом ашё териб олинди.

МАВСУМ ПЕШҚАДАМЛАРИ

КАТТАҚЎРҒОН РАЙОНИдаги механизаторлар мусобақасида «Янгиобод» совхозидан Зиёд Бердиёров, «Пролетарий» колхозидан Сайдулла Рўзиев, Энгельс номли колхозидан Нормамат Ҳайдаровлар пешқадамлик қилишмоқда. Уларнинг ҳар бири кунига хирмонга 11—13 тоннадан дурдона тўкишга эришяпти. Партия ва ҳукуматимиз Мурожаатига жавобан улар 250—300 тоннадан «оқ олтин» теришга аҳд қилдилар.

ИПАК ПАХТА ХИРМОНИ

ЯККАБОҒ РАЙОНИ пахтакорлари ўн биринчи беш йилликнинг дастлабки марраси эгалладилар. Давлатга ингичка толали пахта сотиш бўйича йиллик план бажарилди. Қабул пунктларига пландаги 1500 тонна ўрнига 1700 тонна юқори сифатли ингичка толали пахта етказиб берилди.

Район заршунослари ўз имкониятларини чамалаб ялпи хирмонни 2 минг тоннага етказиш мажбуриятини қабул қилдилар.

ТОПШИРИҚ БАЖАРИЛДИ

ОКТЯБРЬ РАЙОНидаги Файзулла Хўжаев номли совхозда бир йўла уч бригада йиллик планни бажарди. Муроддин Эсонов бошлиқ чўлқуварлар 35 гектар ернинг ҳар гектаридан 18,5 центнердан, Юсуф Худойназаров ва Саидазим Қаршибоев бошлиқ бригадаларнинг аъзолари 21—23 центнердан хирмон кўтардилар. Илғор коллективларнинг пахтакорлари ҳосилдорликни 30—35 центнерга етказишга ҳаракат қилишмоқда.

МАЖБУРИЯТ ҲИСОБИГА

ҒУРЛАН РАЙОНИдаги «Коммунизм» колхозининг Отажон Бобожонов бошлиқ бригадаси аъзолари ғалаба рапортига имзо чекдилар. 105 гектар ернинг ҳар гектаридан 40,4 центнердан хирмон кўтарилди ва қабул пунктларига 424 тонна юқори сифатли хом ашё топширилди. Бригада коллективи ҳосилдорликни 60 центнерга етказиш ва давлатга яна 206 тонна «оқ олтин» топшириш мажбуриятини қабул қилдилар. Ҳозир Хоразм областида 14 бригада социалистик мажбурият ҳисобига пахта топширмоқда.

„Оқ олтин" хирмонига

Республика областларида пахта тайёрлашнинг борыши тўғрисида шу йил 4 октябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён; тўртинчи устун — шу жумладан бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан буён.

Бухоро	1,55	51,72	0,31	3,54
Хоразм	2,60	44,95	1,95	12,83
Тошкент	3,22	42,97	2,63	32,86
ҚҚАССР	2,52	40,76	2,02	20,24
Сурхондарё	1,72	34,89	1,11	14,43
Фарғона	2,01	34,46	0,26	0,91
Навоий	1,37	32,39	0,56	2,46
Қашқадарё	1,82	30,67	1,12	9,77
Андижон	1,98	30,63	0,68	3,12
Самарқанд	1,60	29,38	0,72	3,96
Наманган	2,26	28,64	1,85	9,08
Сирдарё	2,93	24,46	3,11	18,70
Жиззах	2,86	22,67	3,16	23,32
Республика бўйича:	2,16	34,43	1,51	12,21
Шу жумладан ингичка толали пахта				
Сурхондарё	2,32	45,82	1,92	23,11
Навоий	1,62	42,46	—	—
Бухоро	0,92	41,88	—	—
Қашқадарё	1,99	31,80	0,68	4,97
Наманган	0,94	30,18	—	—
Республика бўйича:	2,09	40,99	1,33	14,98

Мусобақа илғорлари

Бўка районидаги Фрунзе номли колхознинг ўзаро мусобақалашиб ишлаётган Турсунмат Ўташев ва Ислом Пўлатов бошлиқ бригадалари ғалаба рапортига имзо чекдилар. Мусобақадошлар ҳар гектар ердан 32 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтаришди. Улар 50 центнерлик марра учун курашмоқдалар.

* * *

Чуст районидаги «Партия XXII съезди» совхозининг Ибрагимжон Аббосов бошлиқ бригадаси заршунослари зафар қучишди. 60 гектар янги ўзлаштирилган ерларнинг ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил олинди. Бригада аъзолари ҳосилдорликни 40 центнерга етказишга аҳд қилишган.

* * *

Ленин йўли районидаги Охунбобоев номли совхознинг моҳир механизатори Тошболта Раҳматуллаев бир кунда ўзи бошқараётган «зангори кема» бункеридан 24 тонна пахта тўкиб, рекорд кўрсаткичга эришди. У 500 тонналик маррани эгаллаш учун агрегатини юксак унумларда ишлатаётир.

* * *

Кўпмингкилограммчилар мусобақасида Шўрчи районидаги «Ленинизм» колхозидан Чиннихол Донаева, Денов районидаги «Ғалаба» колхозидан Турсун Холиқова, Шеробод районидаги «Октябрь 60 йиллиги» совхозидан Гулсара Алламу родовалар байроқдорлик қилишяпти. Улар кунига 200—220 килограммдан пахта теришга эришяптилар.

НАВОИЙДА «ХИМТЕХНИКА-83» ИЛМИЙ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

4 октябрь куни Навоийда химия саноати учун янги машина ва аппаратлар ишлаб чиқишга бағишланган «Химтехника-83» Бутуниттифоқ илмий конференцияси очилди. Конференция ишида мамлакатнинг қирқтадан кўпроқ шаҳридаги академия ва тармоқ институтларининг етакчи мутахассислари иштирок этмоқдалар. Улар халқ хўжалигининг шу муҳим тармоғида фан-техника тараққиётининг актуал проблемаларини уч кун мобайнида муҳокама қиладилар, тажрибани ўртоқлашадилар.

СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси В. А. Малюсов «Химия аппаратсозлиги соҳасидаги сўнгги ютуқлар» мавзуида доклад қилди.

(ЎзТАГ).

МЕҲНАТКАШЛАР ЙИҒИЛИШЛАРИДА

ОСМОНИМИЗ ТИНЧ БЎЛСИН!

Тошкент тўқимачилик комбинатида эрталабки смена тугаши биланоқ уч мингдан ортиқ киши — ишчилар, хизматчилар, инженер-техник ходимлар тинчликни ҳимоя қилишга бағишланган йиғилишга келдилар. Улар «Совет Тинчлик программасини рўёбга чиқарамиз!», «Қанотли ракеталарга йўл йўқ!», «Европанинг осмони тинч бўлсин!» деган сўзлар ёзилган шиорлар, транспарантларни кўтариб олишган.

Сўзга чиққан нотиқлар Америка ҳарбийлари ва уларнинг НАТОдаги тарафдорлари ўтказиб келаётган тўхтовсиз қуролланиш пойгасини қаҳр-ғазаб билан қораладилар, планетани термоядро ҳалокатига дучор этишга уринаётган кимсаларни лаънатладилар.

— Барча совет кишилари каби, — деди охорлаш фабрикаси мастерининг ёрдамчиси Санобар Исаева, — корхонамиз коллективи ҳам КПСС ва Совет ҳукуматининг ўртоқ Ю. В. Андропов Баёнотида айтиб ўтилган конструктив ташқи сиёсат йўлини якдиллик билан қўллаб-қувватламоқда ва маъқуллламоқда. Ана шу муҳим ҳужжатда бизнинг тинчлик тўғрисидаги ўй-фикрларимиз ифода этилган, АҚШ ҳозирги маъмуриятининг халқаро ишлардаги телбаларча сиёсатига тўла-тўкис баҳо берилган.

— Тинчлик ишига содиқмиз, деб баландпарвоз баёнотлар бераётган Рейган ва гумашталарининг риёкорона нутқлари гирт ёлғондир, — деб уқтирди йигирув-тўқув фабрикасининг тўқувчиси Елена Шавилова. — Америка маъмуриятининг вакиллари АҚШнинг ҳарбий потенциалини мислсиз кўламларда авж олдириб, яна тинчликсеварлик тўғрисида гап уқтиришга уринмоқдалар! Ўзларини сиёсий арбоб деб ҳисоблаётган кишилар оддий ҳақиқатни тушуна олмаётирлар: биз ўз қонунларимизга — энг илғор социалистик жамият қонунларига мувофиқ яшаб келдик ва яшайверамиз.

— Бизнинг мамлакатимизда урушни хоҳловчи кишилар йўқ, — деб таъкидлади ип-йигирув фабрикаси мастерининг ёрдамчиси Мели Шабаев. — Зотан, Юрий Владимирович Андроповнинг Баёнотида айтилган ҳамма гаплар бизнинг номимиздан айтилган гаплардир. Биз, тўқимачилар, давлатимизнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини зарбдор меҳнатимиз билан мустаҳкамлаймиз.

Йиғилиш қатнашчилари резолюция қабул қилиб, унда ўртоқ Ю. В. Андроповнинг Баёнотини якдиллик билан маъқуллладилар.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИ БИЛАН ТАНИШМОҚДАЛАР

4 октябрь куни Тошкентда Африка учун БМТ ҳузуридаги иқтисодий комиссиянинг халқаро семинари очилди. Унинг қатнашчилари республикада қишлоқ хўжалигини ривожлантириш тажрибаси билан таниша бошладилар. Халқаро семинар қишлоқни ривожлантириш программасида аҳолининг иштирок этиши мавзусига бағишланган.

Ўн беш давлат вакиллари иштирок этаётган семинар программасига мувофиқ Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги мутахассислари ва олимлари қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг истиқболлари тўғрисида, деҳқончилик ва чорвачиликни планлаштириш, қишлоқ учун малакали кадрлар тайёрлаш ҳақида докладлар қиладилар, республиканинг бир қанча колхоз ва совхозлари бориб кўрилади. (ЎзТАГ).

ТИНЧЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ МАНФААТЛАРИНИ КЎЗЛАБ

3 октябрь куни Москвада Совет ва чет эл журналистлари учун ўтказилган матбуот конференцияси Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари уюшмасининг еттинчи Тошкент конференцияси якунларига бағишланди. Матбуот конференциясида Африка, Осиё адиблари ҳаракатларининг раҳбарлари, СССР Ёзувчилар союзининг вакиллари қатнашдилар.

Уюшма бош секретари Алекс Ла Гума, сўзга чиққан бошқа кишилар шуни қайд этдиларки, ушбу ташкилотнинг 25 йиллиги шарафига ўтказилган анжуман ўз савияси жиҳатидан, унда иштирок этган делегатлар ва мамлакатларнинг сони жиҳатидан ҳар қачонгидан кўра кенг кўламли ва нуфузли бўлди. Анжуман тинчлик ва халқлар ўртасида ҳамжиҳатлик учун, термоядро ҳалокатининг олдини олиш учун курашда илғор сўз санъаткорларининг бирлиги ва жипслигини яна бир бор намойиш этди.

Матбуот конференциясидаги нутқларда ёзувчиларнинг Тошкентдаги учрашуви қатнашчилари КПСС ва Совет давлатининг тинчликсевар ташқи сиёсатига юксак баҳо берганликлари, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ю. В. Андроповнинг Баёнотини қизғин маъқуллаб, қўллаб-қувватлаганликлари таъкидлаб ўтилди. Ана шу муҳим сиёсий ҳужжат Совет Иттифоқи Ер юзида тинчликни қаттиқ туриб сақлаб қолишга, тўхтовсиз қуролланиш пойгасини жиловлашга астойдил интилаётганлигидан далолат беради.

(ТАСС—ЎзТАГ мухбири).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республикада театр санъатини ривожлантиришдаги хизматлари учун М. Горький номли давлат рус академик драма театрининг артисти ўртоқ Семён Борисович Ауловга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист» фахрий унвони берди.

САМАРАДОРЛИК ВА УНУМДОРЛИК УЧУН!

ХАЛҚ КОНТРОЛИ саҳифаси

ҲАМИША СЕРГАК

Колхозимиз районнинг энг чеккасига жойлашган. Кўплаб экин майдонларимиз Малик чўли билан туташ. Ҳар йили пахтадан юқори ҳосил етиштириб келмоқдамиз. Ўтган йили гектар ҳисобига 36 центнердан «оқ олтин» ҳосили олган бўлсак, бу йил ана шу кўрсаткични яна 4 центнерга оширишга аҳд қилганмиз.

Тадбиркорлик, ташаббускорлик ва шижоаткорона қилинган меҳнат туфайли ҳамма майдонларда мўл ҳосил етиштирилди. Энди энг муҳими унинг бир граммини ҳам нобуд қилмай йиғиштириб олишда. Бу вазифани муваффақиятли амалга оширишда халқ назоратчиларининг роли катта эканлиги тажрибадан яхши маълум. Шунинг учун бу масала хўжалик халқ мулки посбонлари фаолиятининг бош мазмунига айланган.

Табиийки, йиғим-теримни муваффақиятли ўтказиш унга қандай ҳозирлик кўрилганлиги билан боғлиқ. Шунга кўра назоратчиларимиз мавсумга ҳозирликнинг аҳволини текширишдан ўтказишди. Бу оммавий кўрик «зангори кема», трактор тележкалари, қуритиш майдончалари, тош-тарозиларининг аксарияти яхши шайланганлиги билан бир қаторда баъзи нуқсонларга ҳам йўл қўйилганлигини кўрсатди. Ўшанда иккита терим машинасининг моторлари қўйилмаган, тележкалар ремонти сифати талаб даражасида эмас, Ж. Соатов бошлиқ бригаданинг машина теримига ажратилган 7 гектар майдонида ўт борлиги аниқланди. Текшириш натижалари колхоз партия комитетининг маъмурият билан биргаликда ўтказилган мажлисида муҳокама қилиниб, камчиликларга йўл қўйилганлиги учун бош механик А. Неков ва бригада бошлиғи Ж. Соатовлар огоҳлантирилди. Аслида гап айбдорлар жазоланганлигида эмас, балки назоратчиларнинг принципиаллиги туфайли камчиликларни ўз вақтида бартараф этишга эришилганлигидадир.

Айни кунларда йиғим-теримни тез, соз ва сифатли ўтказишни таъминлаш группамиз аъзоларининг диққат-эътиборида. Шу муносабат билан ўнта муваққат пост тузилиб, уларга тажрибали назоратчилар етакчилик қилмоқдалар. Рейдлар уюштирилиб, камчиликларни тузатиш ва мавжуд резервларни излаб топишга эътибор кучайтирилмоқда. Масалан, Назар Бозоров бошлиқ бригадада дастлабки кезлар терим суръати ва сифати унчалик юқори бўлмади. Бригадада техника ва ишчи кучи етарли, пахталар яхши очилган, одамлар ишга эрта келиб, кеч қайтишарди. Хўш, унда сабаб нимада? Назоратчилар бу ерда иш вақтидан унумли фойдаланилмаётганлигини аниқладилар. Ҳар бир пахтакор томонидан иш нормасининг бажарилиши қаттиқ назорат остига олинди. Ҳозир Н. Бозоров бошлиқ бригада йиғим-теримда илғорлар сафида бормоқда.

Назоратчиларимизнинг шу сингари ибратли ишлари ҳақида яна кўплаб мисолларни келтириш мумкин. Улар хўжалик экономикасини юксалтириш, йиғим-терим суръатини ошириш, колхоз аъзоларига маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилашга эришмоқдалар. Бунда С. Хўжақулов, Р. Отақулов, Б. Бердиев, О. Тўраев, М. Бозоров каби жонкуяр халқ назоратчиларининг муносиб ҳиссалари бор.

Ш. УРОҚОВ,
Навоий районидаги «Қизил Октябрь» колхози халқ контроли группасининг раиси.

ПАРТИЯ, СОВЕТ, КАСАБА СОЮЗ ВА КОМСОМОЛ ОРГАНЛАРИНИНГ ХОДИМЛАРИ! ҲОСИЛ ТЕРИМИДА ТАШКИЛОТЧИЛИК ВА СИЕСИЙ ИШ САВИЯСИНИ ОШИРИНГИЗ, СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАНИНГ ЮКСАК ТАЪСИРЧАНЛИГИГА ЭРИШИНГИЗ, ЭНГ ЯХШИ ПИРОВАРД НАТИЖАЛАРНИ, ЭНГ ЮКСАК МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ УЧУН ИДЕОЛОГИЯ ИШИНИНГ ФОРМА ВА МЕТОДЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИНГИЗ, МЕХАНИЗАТОРЛАРГА, ТЕРИМЧИЛАРГА, БАРЧА ДАЛАДА ИШЛОВЧИЛАРГА ЭЪТИБОР ВА МЕҲРИБОНЛИК ҚИЛИШ, ЮКСАК УНУМ БИЛАН МЕҲНАТ ҚИЛИШ УЧУН УЛАРГА ЭНГ ҚУЛАЙ ШАРОИТЛАРНИ ЯРАТИБ БЕРИШ — СИЗЛАРНИНГ БУРЧИНГИЗДИР.

(Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг Мурожаатидан).

ҚИЗҒИН ДАМЛАР

Ўрта Чирчиқ райони меҳнатчилари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда тобора юксак марраларни забт этиб бормоқдалар. Пахта, шунингдек каноп тайёрлаш планлари йил сайин ортиғи билан адо этилаётир. Партия XXVI съезди қарорлари, СССРнинг Озиқ-овқат программаси, КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорларини изчиллик билан амалга ошириш жараёнида иш самарадорлиги ва меҳнат унумдорлигини оширишга оид янги-янги резерв ва имкониятлар ишлаб чиқаришга хизмат қилдирилмоқда, мавжуд техника воситалари, ишчи кучидан ишнинг кўзини билиб оқилона фойдаланилаётир.

Ўн биринчи беш йилликнинг ўзак йилида пахтакорларимиз шон-шуҳратимиз ва ифтихоримиз бўлган «оқ олтин» етиштиришда, айниқса зўр ғайрат ва жасорат кўрсатдилар. Пахта далаларида олинган юксак мажбуриятга яраша уюшқоқлик ва фаоллик билан меҳнат қилинди. Чигитнинг ёнбоши ерга теккан айни кунларда эса 50 минг тоннали улкан хирмон ҳаракати кучайгандан кучайиб бормоқда. Йиғим-терим суръати кун сайин ошиб бораётир.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиманки, ўн еттита бош группа ва 116 та цех группасига уюшган 1300 га яқин халқ назоратчиси бу масъулиятли мавсумга пухта тайёргарлик билан келдилар. Улар йил бошиданоқ пахта далаларида мўл ҳосил тўплаш ҳаракатида бевосита иштирок этиш билан бирга зиммаларидаги жамоатчилик топшириғини виждонан ва сидқидилдан адо этмоқдалар.

Маълумки, йиғим-теримни муваффақиятли ўтказишда пахта пунктлари ва заводлари ишини пишиқ-пухта ташкил этишнинг аҳамияти катта. Шуни ҳисобга олиб, август ойида халқ назоратчиларининг махсус семинари ташкил этилди. Бунда пункт ва заводларнинг халқ мулки посбонлари пахта сифати юзасидан қўйилаётган янги талаблар, пахта толасининг мустаҳкамлигини белгилашда қўлланиладиган қоидалар билан атрофлича таништирилди. Терим кампанияси юксак босқичга кўтарилган кезларда ишни ташкил этиш, юк келтирган машина ва бошқа воситаларнинг бекор туриб қолишига йўл қўймаслик билан боғлиқ ишлар ҳақида маслаҳатлашиб олинди.

Районимиз пахтакорлари бу йил пахтанинг деярли 90 процентини машиналар билан териб олишга аҳд қилганлар. Шу боисдан назоратчиларимиз терим агрегатларини мавсумга тайёрлаш масаласи билан изчил шуғулланиб келдилар. Ремонт ишларининг суръати ва сифатини ошириш мақсадида бир неча бор текшириш ва рейдлар ўтказилди. Халқ мулки посбонлари ҳар бир терим машинаси қандай сақланаётганлигидан тортиб, унинг ремонти қандай амалга оширилаётганлигига қадар синчковлик билан кузатиб турдилар.

Терим суръатини оширишда агрегатларнинг хизмати беқиёс. Мавсумда ундан беками-кўст, унумли фойдаланиш группа ва постлар фаолиятининг диққат марказида турибди. Чунончи, халқ назоратчилари текшириш чоғида «Коммунизм» колхозида терим машиналари ремонти сифатли ўтказилмаётганлиги бу иш ниҳоятда чўзиб юборилаётганлигини аниқладилар. Ремонтдан чиқарилган агрегатлар кўздан кечирилиб, унинг еттитасида камчилик ва нуқсонлар мавжуд эканлиги аниқланди. Карл Маркс номли колхозда ҳам бу борадаги ишларга эътиборсизлик билан муносабатда бўлинган. Назоратчиларнинг тавсияси билан масала колхоз партия комитети ва правлениесининг қўшма мажлисида муҳокама этилгач, ишда силжиш рўй берди.

Халқ мулки посбонларининг йиғим-теримдаги иштироки ҳақида мулоҳаза юритар эканмиз, ҳисобот ва сайловлар чоғида барча халқ контроли группалари, пост бошлиқларининг сифат состави синчковлик билан кўриб чиқилганини айтиб ўтиш ўринлидир. Уларнинг составига ишчан, ўз ишининг устаси бўлган коммунист ва комсомол-ёшлар кўпроқ жалб этилди. Бу социалистик мулкни авайлаб асраш, меҳнат интизомини кучайтириш, талон-торожликка қарши кураш, тежамкорликка эришишда катта аҳамиятга эга бўлмоқда.

Йиғим-терим бошлангандан кейиноқ кўпгина хўжаликларда иш уюшқоқлик билан ташкил этилаётгани кўринмоқда. «Ленин йўли», Терешкова номли, «Партия XXII съезди» колхозларида «оқ олтин»нинг бир мисқоли ҳам исроф этилишига йўл қўйилмай териб олинишига эришилаётир. Бу хўжаликларда иш график асосида ташкил этилган. Механик-ҳайдовчилар ва кўпмингкилограммчи теримчилар ўртасида социалистик мусобақа кенг оммавий тус олиб бормоқда.

Охунбобоев номли колхоз деҳқонлари бу йил пахта тайёрлаш планини 20 иш кунида бажаришга аҳд қилдилар. Жонкуяр коммунист Усмон Кенжаев етакчилик қилаётган халқ контроли бош группаси ўз фаолияти йўналишини ана шу мақсадга мувофиқлаштириб олиб бормоқда. Колхознинг каноп тайёрлаш планини областда биринчилар қатори адо этиши, қишлоқ учун дағал-хашак, ўт уни тайёрлаш планларининг муваффақиятли бажарилишига муносиб ҳисса қўшган халқ мулки посбонлари хирмонлар, йўл ва кўприклар, пахта пайкалларини мунтазам кузатиб бормоқдалар. Колхоз пахтакорлари бу йил ҳосилдорликни 40 центнерга етказишга қарор берганлар. Куни кеча хўжаликда ерларни саралаб машина терими ўтказишга киришилди. Хўжаликнинг Бектурғон Абулхаиров, Худойберган Дадашев, Шукрулло Мамбетов сингари пешқадам бригадаларида теримнинг кунлик суръати 3—4 процентни ташкил этмоқда.

Энгельс номли колхоз назоратчилари терим машиналари учун қайтиш жойларини тайёрлашда эътиборсизликка йўл қўйилганлигини аниқладилар. Ана шу ердаги ғўзаларнинг пахтаси тозалаб териб олинмаганлиги ҳосилнинг ерга тўкилишига йўл қўйилган. Текшириш натижаси район халқ контроли комитетида кўрилиб, айбдорлар тегишлича жазоландилар. Машина теримнга ҳозирлик кўришда қатъий тартиб-интизомни йўлга қўйиш чора-тадбирлари белгиланди. «Северний маяк» колхозида ҳам назоратчиларнинг жонкуярлиги туфайли ана шундай лоқайдликка барҳам берилди.

Назоратчиларимиз орасида ҳалол меҳнат билан ном чиқарган донгдор пахтакорлар, коллектив етакчилари жуда кўп. Улар ўз обрў-эътиборлари, атрофдагиларга ибрат кўрсатишлари, ишбилармонликлари билан назорат иши самарадорлигини оширишга муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар.

Яхши меҳнатга яхши дам ярашади. Энг юксак меҳнат унумдорлигига эришиш учун механизаторларга, теримчиларга, далада ишлаётган барча кишиларга меҳрибонлик ва ғамхўрлик қилиш, маданий ҳордиқ учун энг қулай шароитларни яратиб бериш доимий назоратимизда турибди.

Бугунги куннинг энг муҳим вазифаси пахта тайёрлаш суръатларини оширишдан, ҳар бир дақиқадан имкони борича унумли фойдаланишдан иборат. Энг асосий бойлигимизни йиғиштириб олиш учун табиат қисқа муддат ажратган экан, унинг бирор куни, бирор соатида ҳам лоқайдлик қилишга ҳақкимиз йўқ. Районимиз халқ назоратчилари бу борада партия ташкилотлари амалга ошираётган ишларга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшаверадилар.

С. ШЕРМАТОВ,
Ўрта Чирчиқ район халқ контроли комитетининг раиси.

Андижон машинасозлик заводи халқ контроли группаси иқтисод ва тежамкорлик жамоат кўригида фаол қатнашмоқда. Суратда: завод халқ контроли группасининг раиси Икром Ёқубов (ўртада) 3-механика цехи цех халқ контроли группасининг аъзоси Ремзи Алиев билан токарь Матниёз Шокировнинг иш жараёнини текширмоқда.

В. Молгачев фотоси.

ЖОНКУЯРЛАР

САМАРҚАНД БАДИИЙ ГИЛАМЧИЛИК ФАБРИКАСИ ХАЛҚ КОНТРОЛИ ГРУППАСИ ИШ ТАЖРИБАСИДАН

Адолат дўппиларнинг атрофидаги қийқим ипларни йиғиштирар экан, бирдан қошлари чимирилди. Агар ҳар бир дўппидан чиққан ана шундай чиқиндилар ташлаб юборилаверса, цех бўйича озмунча «хом ашё» исроф бўладими? Ранг-баранг ҳўл ипларни бунёдга келтириш учун озмунча меҳнат сарф бўлган эмас? Ана шу қийқимлардан бирор маҳсулот тайёрлашда фойдаланса бўлмасмикин?

Ана шу фикр юрганида ҳам, ўтирганида ҳам Адолатнинг ҳаёлидан нари кетмади.

— Галина Ивановна, — деди бир тўп қийқим материалларни кўрсатар экан.— Қийқимлар ҳисобига ортиқча исрофгарчиликка йўл қўйилмаётибдимикин? Шулардан унумли фойдаланса бўлади-ку?

Халқ назоратчиси Адолат Эргашеванинг бу гапи корхона халқ контроли группаси раиси Галина Ивановна Қулиевани қизиқтириб қўйди.

— Жуда яхши ўйлабсан, — деди у Адолатнинг сўзларини қувватлаб. — Қани, юр-чи, мутахассислар билан маслаҳатлашиб кўрайлик.

Адолатнинг таклифлари йиғилганларга маъқул тушди. Чиқинди ипларни совға учун жияклар тайёрлашга қарор қилинди. Ана шу таклиф туфайли корхонада бу йил чиқинди ҳисобидан 180 минг дона ана шундай маҳсулот тайёрлашга қарор қилинди. Ҳисоб-китоблар корхона бу қўшимча маҳсулотдан 1300 сўмга яқин тежамга эришиши мумкинлигини кўрсатмоқда.

Биз ҳикоя қилаётган бу воқеа Самарқанд шаҳридаги бадиий-гиламчилик фабрикаси халқ назоратчилари фаолиятидан бир шингил, холос. Фабрика халқ мулки посбонлари маҳсулотнинг сифатлилиги ва тежам билан иш юритилиши учун қизғин кураш олиб бормоқдалар. Дўппи цехи халқ назоратчиси Адолат Эргашеванинг фаолияти ана шундан далолат бериб турибди.

Фабрикадаги тайёрлов цехи назоратчилари ҳам ибратли жамоатчилик ишларини олиб бормоқдалар. Жумладан, ушбу цехда қўйлак ва ғилофлардан чиққан чиқиндилардан сочиқ, болалар кўйлаклари ишлаб чиқаришни таклиф этишди. Ўтган йили салкам 20 минг дона сочиқ, 50 минг сўмлик болалар ички кийимлари, жами 130 минг сўмлик халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқарилди. Халқ мулки посбонлари чиқиндилардан маҳсулот тайёрлашдагина эмас, балки корхонада ишлаб чиқарилаётган бошқа буюмларнинг юксак сифатли бўлишида, ишлаб чиқаришда иқтисод ва тежамкорликка қаттиқ риоя қилиниши ҳақида ҳам қайғурмоқдалар.

Корхона назоратчилари иш вақтидан унумли фойдаланиш, меҳнат унумдорлигини ошириш масалаларини ҳам эътиборда тутмоқдалар. Текшириш мобайнида аниқландики, сменалар оралиғида, айрим кишиларнинг ишга кечикиб келишлари оқибатида фақат бир куннинг ўзида беҳудага салкам 10 соат вақт йўқотилар экан. Ҳолбуки, ана шу муддат мобайнида унумли меҳнат қилинса, 10 та миллий сўзана ишлаб чиқариш мумкин. Группа касаба союз комиссиялари аъзолари, комсомол прожекторчилари билан бирга иш вақтининг бекор ўтказилишига қарши кескин кураш олиб бормоқда. Интизомсизлар «Чақмоқ» ва «Тиканак» сатирик деворий газеталарида танқид қилинаётир. Бевосита халқ мулки посбонларининг ўзлари томонидан ана шу масалада киритилган таклифлар туфайли корхона сўнгги бир йил мобайнида 35 минг сўмлик қўшимча маҳсулот ишлаб чиқаришга эришди.

Халқ назоратчиларининг жамоатчилик топшириғини адо этишда кўрсатаётган активлиги касбдошлари томонидан муносиб баҳоланмоқда. Анора Тожиқулова, Гулчеҳра Ғаффорова, Абдуазиз Икромов каби халқ мулки посбонларини улар алоҳида ҳурмат ва эътибор билан: «Сифат ва тежамкорлик жонкуярлари» деб атамоқдалар.

А. МАҲСУМОВ,
Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитетининг инспектори.

Сезгирлик билан

Халқ контроли бош группасига сигнал тушди. Унда комбинатнинг бўяш ва тўқимачилик корхоналаридаги ошхоналарда тозаликка риоя этилмаётгани, тайёрланаётган овқатларнинг сифати пастлиги, баъзан хўрандалар ҳақидан уриб қолинаётгани хабар қилинган эди. Бу хабар назоратчиларни оёққа турғазди. Бир икки кун ичидаёқ юқоридаги ошхоналар фаолияти синчковлик билан текшириб чиқилди. Маълум бўлдики, ҳақиқатан ҳам ушбу ошхоналарда тартиб-интизом анча бўшашиб кетган. Овқатлар хилларини кўпайтириш, таомларнинг сифатли тайёрланиши ҳақида кам қайғурилмоқда. Масала маъмурият билан биргаликда муҳокама қилиниб, айбдорлар тегишлича жазоланди. Ўз вазифасига совуққонлик билан қараганлиги учун бош ошпаз Ж. Миржалолов уч ойгача паст лавозимда ишлашга ўтказилди. Жойларда ишнинг аҳволини яхшилаш, овқат сифатини яхшилаш юзасидан зарур чора-тадбирлар амалга оширилди.

Бу Намангандаги КПСС XXV съезди номли аврали газламалар комбинати халқ назоратчилари фаолиятига оид характерли бир мисол, холос. Улар коллективнинг меҳнат муваффақиятларини кўпайтириш, ҳар бир цех ва коллективда юксак тартиб-интизомни қарор топтириш, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва меҳнат унумдорлигини ошириш ҳақида мунтазам қайғурмоқдалар. Атлас ижодкорлари шу йилнинг биринчи кварталида эришган муваффақиятлари учун Ўзбекистон ССР енгил саноат ишчилари касаба союзи республика комитетининг кўчма Қизил байроғи билан тақдирланганлиги, ойлик планлар сўрунласига ортиғи билан ўринланаётганлигида уларнинг муносиб ҳиссалари бор. Сўнгги бир йил мобайнида халқ мулки посбонлари 85 марта текшириш ўтказиб комбинат ишлаб чиқаришининг энг асосий йўналишлари бўйича таъсирчан фаолият кўрсатдилар. Хусусан биринчи пиллакашлик цехи, бўяш ва тўқимачилик корхоналарида технология режими бузилишининг олди олинганлиги, пилланинг солиштирма сарфи, брак маҳсулот ишлаб чиқаришнинг кескин камайтирилганлиги уларнинг жамоатчилик фаолиятлари билан бевосита боғлиқдир. Сўнгги олти ойда масъул лавозимдаги кишилардан бир нечтасига интизомий жазо чоралари берилиб, кўрилган минг сўмга яқин моддий зарар ундириб олиниши таъминланди.

Назоратчилар фаолиятининг самарадорлигини оширишда Собиржон Носиров, Нурмамат Нажмиддинов, Ҳасанбой Умаров, Асадхон Мамадалиев, Азиза Юсупова, Раъно Қаюмова сингари халқ мулки посбонлари жонкуярлик кўрсатмоқдалар.

М. ҒАФФОРОВ.

ХАЛҚ КОНТРОЛИ КОМИТЕТЛАРИДА

ҚАШҚАДАРЁ

Текширишда шу нарса аниқландики, Қашқадарё область спорт комитети ва болалар ҳамда ўсмирлар спорт мактабида молия-хўжалик интизоми қўпол равишда бузилмоқда. Спорт комитетида белгиланганидан ортиқча ходим ишлаётгани сабабли маош фондидан деярли 2 минг сўм ортиқча сарфланишига йўл қўйилган. Спорт мактаби директори ва илмий ишлар бўйича директор ўринбосари қонунга хилоф равишда оширилган миқдорда маош олиб турганлар.

Ҳар икки ташкилотда яна бошқа бир қатор камчилик ва нуқсонлар ҳам мавжуд. Пул маблағларидан фойдаланишда тартибсизлик рўй бераётир. Натижада фақат спорт комитетининг ўзида дебиторлик қарзи кўпайиб, 18 минг сўмни ташкил этмоқда. Текшириш натижалари область халқ контроли комитетида муҳокама қилиниб, юқоридаги камчилик ва нуқсонларга йўл қўйилганлиги учун спорт комитетининг раиси И. Жўрабоев ва болалар ҳамда ўсмирлар спорт мактаби директори З. Мўминовлар тегишлича жазоландилар.

БУХОРО

Қоракўл районидаги «Искра» колхозида юзга яқин халқ назоратчиси актив фаолият кўрсатмоқда. Улар орасида коллективда катта ҳурмат ва эътиборга сазовор бўлган механизаторлар, пахтакорлар, сувчилар ва бошқа касб эгалари бор. Уларнинг кучи билан сўнгги икки йилда хўжалик фаолиятининг турли муҳим масалалари бўйича 126 марта текшириш ва рейдлар ўтказилди. Ер ва минерал ўғитдан фойдаланиш, ёнилғи-мойлаш материалларини тежаб-тергаб сарфлаш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини авайлаб-асрашда уларнинг катта хизматлари бор. Халқ назоратчиларининг таклифи билан илгари фойдаланилмай ётган 14 гектар ер қишлоқ хўжалик оборотига киритилиб, ундан 280 тонна маккажўхори кўкпояси олинди.

Область халқ контроли комитети «Искра» колхози халқ контроли группаси иш тажрибасини маъқуллаб, уни жойларда кенг ёйиш ва оммалаштиришга тавсия этди.

МАРҒИЛОН

Шаҳардаги Совғалар фабрикаси шу йилнинг етти ойи мобайнида планда белгиланганидан деярли 120 минг сўмлик кам маҳсулот ишлаб чиқарди. Шу муддатда буюртмачиларга маҳсулот етказиб бериш топшириғи бор-йўғи 83,7 процент адо этилди, холос. Кўпгина маҳсулотларнинг сифати ҳозирги кун талабларига жавоб бермаётир.

Корхонада иш вақтидан унумли фойдаланилмаётганлиги туфайли кейинги етти ойда ўн бир минг сўмлик маҳсулот кам ишлаб чиқарилди.

Шаҳар халқ контроли комитети Совғалар фабрикаси директори О. Улуғбеков, бош бухгалтери А. Абдуллаев ҳамда йигирув цехи бошлиғи Э. Умаровларга камчилик ва нуқсонларга йўл қўйилганлиги учун ҳайфсан эълон қилди.

РАССОМ ХАНДАСИ

ҚОҒОЗДА БОР—У, АМАЛДА...

Дунёда нима осон! Бекобод районидаги айрим хўжаликларнинг раҳбарлари бу саволга ҳеч иккиланмай: «Йил бошида тантанали ваъда бериш-у, уни амалда бажариш ўрнига ижро этилди, деб қоғозга қайд этиб қўйиш осон», — деб жавоб берсалар ажаб эмас.

Шубҳа билдирмоқчимисиз? Унда қуйидаги рақамларга эътибор қилинг.

Райондаги «Далварзин» ҳамда «Партия XXV съезди» совхозлари раҳбарлари дағал хашак тайёрлаш планини бажаришда эришган муваффақиятлари ҳақида юқори ташкилотларни хабардор этишганига ҳам мана анча бўлди. Аммо, касални яширсанг, иситмаси ошкора қилади, деганларидек назоратчиларнинг текшируви сабаб бўлди-ю, ҳамма сир очилди-қолди. Далварзинлик «азаматлар» тайёрланган сенажни ҳеч иккиланиб ўтирмай амалда йиғиб-терилганига нисбатан 1405 тонна ошириб кўрсатишган экан. «Партия XXV съезди» совхозида эса қишловга тайёрланган озуқадан 850 тонна дағал хашак, шу жумладан, 750 тонна сенаж, 75 тонна somon ва 29 тонна похол қоғозда бор-у хирмонда йўқ.

Бу борада Мавлонов номли, «Авангард», Ойбек номли совхозлар, Ленин номли, «Коммунизм», Навоий номли, «Победа», Дзержинский номли колхозларнинг раҳбарлари ҳам масъулиятсизлик билан иш юритганлар.

Кўзбўямачиликнинг охири вой эканлигини юқоридаги хўжаликлар раҳбарлари наҳотки тушунишмаса!

Х. САЛИМОВ.

МАСЪУЛИЯТ УНУТИЛГАЧ

Ном чиқаришнинг ҳам йўли кўп экан. Аксарият ҳолларда ишлаб чиқариш планларини муддатидан илгари адо этган меҳнат беллашуви ғолиблари ҳақида алоҳида ҳурмат ва эътибор билан гапирадилар. Аммо Хоразм область маҳаллий саноат бошқармасига қарашли айрим корхоналар бошқача хизмат эвазига «ном» чиқаришмоқда. Иш пала-партиш ташкил этилмоқда, планлар сурункасига бажарилмай қолаётир. Бу жиҳатдан айниқса, Урганч кенг истеъмол буюмлари фабрикасида аҳвол ачинарли. Корхона сўнгги бир ярим йил мобайнида пландагига нисбатан 275 тонна маҳсулотни кам ишлаб чиқарди. Буюмларни тайёрлашда технология қоидаларига риоя қилинмаётир. Кўпгина маҳсулотларнинг сифати паст. Гурлан район маиший хизмат кўрсатиш корхонаси томонидан тайёрланаётган маҳсулотларнинг ярмига яқини яроқсиз деб топилмоқда. Савдо ташкилотларига қандолат маҳсулотлари етказиб беришда узилишлар рўй бериб турибди.

Урганч кенг истеъмол моллари фабрикаси директори А. Матёқубов ҳамда Гурлан район маиший хизмат кўрсатиш комбинати бош инженери Ш. Болтаевлар ишда тартиб-интизом ўрнатиш, планларнинг муддатида бажарилиши ҳақида қачон чинакамига қайғуришар экан!

К. ДАДАШЕВ.

ИНТИЗОМСИЗЛИК ҚАЧОНГАЧА

Кутилмаганда «Узторгстрой» қурилиш трестининг Наманганда 12-қурилиш-монтаж бошқармасида ишлаётган дўстимни учратиб қолдим.

— Аҳвол қандай! Ишлар яхши кетяптими! — дедим салом-аликдан кейин ҳол-аҳвол сўраб.

— Нимасини айтасиз, — деди дўстим табиати тундлашиб, — бошқа ёққа ўтсаммикин, деб юрибман. Ишда тартиб йўқ. Қурилиш муддатлари чўзиб юборилябти, капитал маблағларни ўзлаштириш суръати паст. Ҳар бир биноқор ҳисобига бажарилиадиган иш ҳажми камайгандан-камайиб кетаётганини айтмайсизми?! Баъзи кунлари асосий объектларда белгиланган кишиларнинг 20-30 процентигина меҳнат қилаётганлигини кўриб ранжиб кетади, киши. Буларнинг ҳаммаси бошқарма зиммасидаги план ва топшириқларнинг чала-чулпа адо этилишига сабаб бўлмоқда. Жумладан, шу йилнинг биринчи ярмида қурилиш плани 76,8 процентгина адо этилди. Ишнинг кетиши шу алпозда бўлса, бу йил ишга тушиши лозим бўлган 5 та объектнинг аҳволи нима кечаркин деб турибмиз.

— Ишдаги нуқсонлар ҳақида тортинмай раҳбарга мурожаат этиш керак.

— Афсуски фойдаси бўлмаяпти.

12-қурилиш-монтаж бошқармаси бошлиғи М. Нуриддинов, «Узторгстрой» трести раҳбарлари бу ишдаги лоқайдликнинг боисини қандай тушунтириб беришар экан!

Қ. ОДИЛОВ.

Рассом А. ҲОЛИҚОВ.

ШАВКАТЛИ ДАЛА ГВАРДИЯЧИЛАРИ, ҚИШЛОҚ МЕХАНИЗАТОРЛАРИ! ВАТАН СИЗЛАРГА АЖОЙИБ ТЕХНИКАНИ ИШОНИБ ТОПШИРГАН. СИЗЛАР ШУ ТЕХНИКАНИ МУКАММАЛ ЭГАЛЛАБ ОЛИБ, ЧИНАКАМ ДАЛА БАҲОДИРЛАРИ БЎЛИБ ҚОЛДИНГИЗ. БУ ЙИЛГИ ТЕРИМ МАВСУМИ СИЗЛАРНИНГ АЛОҲИДА МАСЪУЛИЯТИНГИЗ ВА УЮШҚОҚЛИГИНГИЗНИ, ҲОСИЛНИ ҲЕЧ НОБУД ҚИЛМАЙ, ЯНГИ ДАВЛАТ СТАНДАРТИ ТАЛАБЛАРИГА МУВОФИҚ ЮҚОРИ СИФАТЛИ ҚИЛИБ ТЕРИБ ОЛИШДА МАҲОРАТ ҚУРСАТИШИНГИЗНИ ТАЛАБ ҚИЛАДИ. «ЗАНГОРИ КЕМА»ЛАРНИ ИККИ СМЕНАДА ИШЛАТИШ, БУТУН ТЕРИМ ТЕХНИКАСИ КОМПЛЕКСИНИ АНИҚ, ПУХТА ИШЛАТИШ ЙЎЛИ БИЛАНГИНА ТЕРИМ СУРЪАТЛАРИНИ КЕСКИН ҚУТАРИШ, БАРЧА БРИГАДАЛАР, ХЎЖАЛИКЛАР, РАЙОНЛАРНИНГ МАШИНА ТЕРИМИ ЮЗАСИДАН ОЛГАН МАЖБУРИЯТЛАРИНИ БАЖАРИШ МУМКИН. БУ ЭСА СИЗЛАРНИНГ ПАХТА ЕТИШТИРИШДАГИ ЕТАКЧИЛИК РОЛИНГИЗНИ ЯНА БИР БОР ТАСДИҚЛАЙДИ.

(Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг Мурожаатидан).

СЎЗ — ПАХТА УСТАЛАРИГА

ЙИЛЛИК ПЛАН — 15 ОКТЯБРГА

Республика партия ва ҳукумати биз, пахтакорларга мурожаат қилиб, йиғим-теримни ғоятда тезлаштиришга, борлиқ ҳосилни тезроқ йиғиб-териб олиб, план ва мажбуриятларни шараф билан бажаришга чақирди. Бу мурожаатга амалий иш билан жавоб бериш виждоний бурчимиздир.

Колхозимизда «оқ олтин»дан рекорд ҳосил етиштирилди. Энди уни тез ва сифатли йиғиб-териб олишимиз лозим. Бу вазифани учта катта куч — теримчилар, механик-ҳайдовчи ва кўмакдошлар ҳал қилади. Шунинг учун ҳар бир теримчи, ёрдамчи ўзининг пахтазордаги ўрни ва мавсум нормасини аниқ белгилаб олсин. Кунлик графикни бир ярим-икки ҳисса қилиб бажариш, пахтани чаноқларда қолдирмай тоза териш, сортини бузмаслик, ифлослантирмасликни биринчи ўринга қўйсин. Ҳозир сўз ҳам, ваъда ҳам тарозига қўйилган пахта билан ўлчанишини унутмаслигимиз керак.

Мен шу ўринда бригадамиз фаолиятига доир айрим мисолларни келтирмоқчиман. 85 гектар майдонда деҳқончилик қиляпмиз. План бўйича заводга 277 тонна «оқ олтин»ни жўнатишимиз керак. Далаларда етилган мўл ҳосилни ҳисобга олиб, мавсум олдидан режани каттароқ белгиладик. Она-Ватанга 405 тонна юқори сорт пахта тортиқ қиламиз. Йиллик планни 15 октябрда, мажбуриятимизни 22 октябрда бажарамиз. Теримчиларимиздан Марияхон Саидова, Муҳаббатхон Абдуллаева ва бошқалар кунига бир ярим-икки нормага тенг пахта теряптилар.

Қўл теримини бўшаштирмаган ҳолда машина теримини кучайтириш ниятидамиз. Умумий ҳосилнинг камида 80 проценти ёки 334 тоннасини йиғиштириб олиш механизаторларимиз зиммасида. Механик-ҳайдовчиларимиздан Ҳамидахон Ҳожиева, Мамарежаб Эрматовлар кунлик нормадан ўзиб меҳнат қилмоқдалар.

Теримда фурсатдан ютган ҳосилдан ютади. Кечиккан ютқазади. Биз бригадамизда йиғим-теримни Тошкент технологияси асосида тезкорлик билан тугаллашга қарор қилдик. Аслини олганда бригада пудрати дегани ҳам айнан шу. Ҳосил тақдири ҳал бўлаётган шу кунларда бригада бошлиқлари, айниқса, ўзига ва бошқаларга нисбатан талабчан бўлмоғи даркор.

Бригадамизда меҳнатга нарядсиз ҳақ тўлашдек прогрессив усулни кенг жорий этмоқдамиз. Унинг иқтисодий самарасини ҳозирдаёқ яққол кўриб турибмиз. Бригадамиз бўйича ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 4.857 сўм маблағни тежаб қолдик. Бу аъзоларимиз учун қўшимча даромад демакдир.

Ёки бошқа бир мисолни олайлик. Бригадамиз бўйича тайёрланадиган пахтани янги ГОСТ талаблари асосида қабул пунктларига топширамиз. Мажбурият ҳисобидаги 405 тонна пахтанинг ярмини юқори сортларга сотганимизда ҳам 286 минг сўм даромад оламиз. Бригада аъзоларининг манфаатлари ҳам сортни кескин ўзгаришини тақозо этяпти. Ўзимизга ўзимиз талабчанликни кучайтирсак, пахтанинг ҳом терилиши, ерга тўкилиб, ифлосланишига йўл қўймасак, дала-бункер-тежелка-пункт усулига қатъий риоя қилсак, бу мақсадимизга ҳам эришамиз.

Колхозимизнинг 1850 гектар майдонида пахтадан юқори ҳосил етиштирилди. Она-Ватанга 6800 тонна «оқ олтин» сотилади. Минг гектар майдондан машиналарда камида 3600 тонна пахта териб олинади. Мажбурият шундай. Хўш, унинг бажарилиши қандай? О. Исломов, Д. Мадалиев, Ғ. Масаидовлар бошлиқ бригадаларда кунига 4—5 процентдан пахта тайёрланяпти. Машиналар тўла ишга тушрилгач, суръат 7—8 процентга кўтарилади. Колхоз правлениеси ва партия комитети уларнинг тажрибасини кенг оммалаштираяпти.

Бу йил колхозимизда кўпмингкилограммчилар сони ўтган йилдагидан қарийб 30 процент кўпайди. Жумагул Тоштемирова, Лутфихон Қобилова, Рисолатхон Матёқубова, Санобархон Тоштемирова каби юзлаб теримчилар кунлик графикни ортиғи билан бажаряптилар. Ундай бўлса нега суръат кескин кўтарилмаяпти? Бунинг сабаблари бор. Айрим теримчилар ишга кеч чиқадилар. Ишдан эрта қайтадилар. Нормаларини бажармайдилар. Демак, меҳнат интизомини янада мустаҳкамлаётганимиз, талабчанликни кучайтирмоғимиз керак.

Сафимизда Ҳамидахон Ҳожиева, Кимсанбой Сайдахматов, Мамарежаб Эрматов каби кўпгина илғор механик-ҳайдовчилар бор. Улар мавсумда 200—250 тоннадан пахта териб бермоқчилар. Барча хўжаликларда «зангори кема»ларга кенг йўл очмоғимиз лозим. Чунки, ғанимат кунлар кутиб турмайди. Унинг ҳар минутидан оқилона фойдаланмоғимиз даркор.

Мўл ҳосил учун кураш кетаётган ҳозирги кунларда ҳамма пахта далаларида бўлмоғи, графикларнинг ортиғи билан бажарилишига ўзининг улушини қўшмоғи лозим. Планни бажариш — қонун, мажбуриятни адо этиш шарафли бурч эканини ёддан чиқармайлик!

Раъногон КАРИМОВА,
Олтиариқ районидаги «Узбекистон» колхозининг бригадири, КПСС XXVI съезди делегати.



ПЕШҚАДАМ БРИГАДА

Ромитан районидаги «Октябрь 50 йиллиги» совхозининг Донийор Гелдиев бошлиқ комплекс механизациялашган бригадаси аъзолари «оқ олтин»дан юқори ҳосил етиштирмоқдалар. Улар кейинги икки йилда ҳосилдорликни гектар ҳисобига 55—58 центнерга кўтардилар. Бу йил эса 60 центнерлик маррани эгаллаш учун курашмоқдалар. Айни кунларда бригадада пахта йиғим-теримни жадал суръатлар билан олиб борилмоқда.

Пахтачиликни ривожлантириш, хусусан теримни комплекс механизациялаштиришдаги катта хизматлари учун бригадир Д. Гелдиев яқинда «Жигули» енгил машинаси билан мукофотланди.

А. БОЗОРОВ.

▲ САМАРҚАНД ОБЛАСТИ. Республика партия ва ҳукуматининг даъваткор Мурожаатидан руҳланган Большевик районидаги «ВЛКСМ 60 йиллиги» совхози механизаторлари терим суръатини ҳар қачонгидан ошириб юбордилар.

Суратларда: [ўнгдан] илғор механизатор Раббим Қаршиев ва пахтазорда терим пайти.
Р. Ғафуров фотолари (ЎзТАГ).

ОЗИҚ-ОВҚАТ ПРОГРАММАСИНИ БАЖАРИШ — УМУМХАЛҚ ИШИ

ЯНА 500 ТОННА

Коммунистик мўл-кўлчилик дастурхонига муносиб ҳисса қўшиш учун курашаётган кўриқ Ёзёвон райони сабзавоткорлари дастлабки ғалабани қўлга киритдилар. Давлатга сабзавот маҳсулотлари сотиш юзасидан белгиланган йиллик план муддатидан илгари ошириб бажарилди. Қабул пунктларига 5100 тоннадан зиёд помидор, карам, пиёз, бодринг, қанд лавлаги ва бошқа сабзавот маҳсулотлари етказиб берилди. Бу ўтган йилнинг шу давридагидан 1200 тонна кўпдир.

Эришилган бу ғалабага район тайёрлов идораси ходимларининг қўшган ҳиссаси, айниқса, салмоқли бўлди. Район деҳқонлари йил охиригача давлатга яна камида 500 тонна сабзавот маҳсулотлари етказиб бериш мажбуриятини қабул қилдилар.

А. МАДРАҲИМОВ.

САБЗАВОТКОРЛАР ЮТУҒИ

Наманган райони сабзавоткорлари беш йилликнинг учинчи йили учун белгиланган план муддатидан илгари адо этилгани ҳақидаги ғалаба рапортига имзо чекдилар. Эл дастурхонига 30375 тонна юқори сифатли сабзавот маҳсулотлари етказиб берилди. Бу ўтган йилнинг шу давридагидан 2295 тонна кўпдир.

Бу меҳнат ютуғига сабзавотчиликка ихтисослаштирилган Тельман номли колхоз, район тайёрлов идораси меҳнатчилари катта ҳисса қўшдилар.

Озиқ-овқат программасининг муваффақиятли бажарилишига муносиб улуш қўшиш учун курашаётган район сабзавоткорлари эл дастурхонига яна 5000 тонна маҳсулот етказиб беришга аҳд қилишди.

А. ҚОРАБОЕВ.

МУДДАТИДАН ОЛДИН

Картошка етиштиришга ихтисослаштирилган Оҳангарон районидаги Собир Раҳимов номли совхознинг миришкорлари давлатга 3 минг тонна картошка топшириб, йиллик планни ошириб бажардилар. Улар бу муваффақиятга ҳосилдорликни ошириш эвазига эришишди. Ҳар гектар еридан 200 центнердан ҳосил олинди.

Совхоз картошкакорлари ички имкониятларини чамалаб, яппи кўрсаткични 5 минг тоннага етказишга аҳд қилишди. Мажбурият ҳисобига каркошка топшириш қизғин давом этаётир.

О. ХУШНАЗАРОВ.

* * *

Шунингдек, қувончли хабарларни Олтиариқ районидан **Т. Умаров**, Хўжаобод районидан **Р. Жуманиёзова**, Наманган районидан **Ш. Нишонов**, Узбекистон районидан **М. Султонов**, Балиқчи районидан **С. Йигиталиев**, Москва районидан **М. Алибобоев** сингари жамоатчи мухбирларимиз ҳам йўллашган.

ТАШВИШЛИ СИГНАЛ

ШОЛИ ЎРИМИДА СУСТКАШЛИК

Қорақалпоғистон АССР шоликорлари юқори ҳосил етиштирдилар. Илғор хўжаликлар ўрим-йиғимни жадаллаштириб, давлатга шоли топширишни кучайтирмоқдалар. Кўнғирот районидаги Чапаев номли, Чимбой районидаги «Маёб-2» совхозларида гектаридан 65-75 центнердан «қирмизи дон» олиш мусобақаси қизитилмоқда. Ленинобод районидаги «Олтинкўл» совхози меҳнат аҳли 25 минг 300 тонна шоли тайёрлаш учун курашмоқдалар. Ўримда 60 та комбайн тўхтовсиз ишлатилмоқда. Кунига 350 тоннадан зиёд дон тайёрланаётир. Ҳар бир комбайннинг кунлик иш унуми графикда кўзда тутилганидан анча юқори бўлмоқда. Автоном республика бўйича 220 минг тонна «қирмизи дон» тайёрлаш шоликорларнинг шарафли бурчига айланди.

Лекин ҳамма жойда ҳам ўрим-йиғим, дон тайёрлаш ва давлатга топшириш тезкорлик билан олиб борилаётгани йўқ. Мисол учун Т. Дуйсенбоев директорлик қилаётган Дзержинский номли совхозда комбайнларнинг кунлик иш унуми 1,2 гектардан ошмаяпти. «Хоразм», «Россия», Дўстназаров номли, Ленин номли, «Маёб-1» совхозларида ҳам кунлик графиклар бажарилмаётир.

Автоном республика бўйича 839 та жатка, 980 та комбайн ишлатиляпти. Лекин уларнинг кунлик иш унуми кўзда тутилганидан 2—2,5 марта паст бўлаётир. Бунинг устига эҳтиёт қисмлар етишмаслиги оқибатида комбайнларнинг бир қисми бекор туриб қолиб, қимматли вақт қўлдан бой бериляпти.

Хўш, В. Рарбульян, П. Бердиев, Б. Қалимбетов, С. Ўтамуротов, Ж. Отабоев сингари механизаторлар кунлик нормаларини бир ярим-икки ҳисса бажараётган бир пайтда нега бошқа механизаторларнинг иш унуми паст бўляпти? Бунга сабаб шуки, механизаторлар орасида меҳнат интизоми яхши йўлга қўйилган эмас. Улардан айримлари ўримни кеч бошлайдилар, ишдан эрта қайтадилар. Мусобақа шартларининг бажарилиши назорат қилиб борилмайди. Ўрим илғорлари рағбатлантирилмагани каби, орқада қолаётганлар тартибга чақирилмаётир. Шоли ўрим-йиғимида коммунистларнинг авангардлик роли таъминланмаяпти.

Камчиликлардан яна бири шуки, кўпчилик хўжаликларда жаткалар ва комбайнлар фақат бир сменада ишлатиляпти. Ахир, ўрим-йиғим бошланишидан олдин техника воситаларини тўла икки сменада ишлатиш мажбурияти қабул қилинган эдику! Қани, ўша ваъдага вафо? Баъзи хўжаликларнинг раҳбарлари механизатор кадрлар етишмаслигидан нолимоқдалар. Хўш, механизатор кадрлар тайёрлаш ҳақида нега олдинроқ ғамхўрлик қилинмади?

Кези келганда шуни ҳам айтиш керакки, айрим хўжаликларда вақти-вақти билан электр қуввати бўлмаслиги туфайли шолини тозалайдиган, уни транспорт воситаларига ортадиган агрегатлар тўхтаб қоляпти. Бу эса тайёрлов пунктига тезкорлик билан етказиб берилиши лозим бўлган шолининг хирмон жойларда уйилиб қолишига сабаб бўлмоқда. Хирмон жойларда шолига хас-чўп аралашиб, сорти бузиляпти.

Автоном республикада етиштирилган мўл-кўл шоли тезкорлик билан йиғиштириб олинмоғи, давлатга «қирмизи дон» топшириш плани ва социалистик мажбурият муддатидан илгари бажарилмоғи керак. Бу борада «Средазирсовхозстрой» ва «Госкомсельхозтехника» республика бирлашмалари Автоном республика шоликорларига амалий ёрдамни ҳар қачонгидан ҳам кучайтиришлари лозим.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ПЛАНЕТАНИНГ БИР КУНИ

ЯДРО ҲАЛОКАТИНИНГ ОЛДИ ОЛИНСИН

Дунёдаги ахборот агентликлари, йирик газеталар КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Ю. В. Андроповнинг Баёнотини бениҳоя муҳим ҳужжат сифатида тўла-тўкис эълон қилмоқдалар ёки батафсил баён этиб бермоқдалар, Баёнот радио ва телевидение орқали ўқиб эшиттирилмоқда. Чет эл оммавий ахборот воситалари, етакчи сиёсий партиялари, таниқли жамоат арбоблари ва оммавий ташкилотлар ўз сиёсатига соғлом ақл-идрокни, реализмни, тинчлик тақдири учун чуқур масъулиятни асос қилиб олган СССР ер юзида тинчликни қаттиқ туриб ҳимоя қилиш, тўхтовсиз қуролланиш пойгасини жиловлаш, ядровий фалокатнинг олдини олиш учун бундан буён ҳам имкони бўлган ҳамма ишни қилаверади, деб таъкидламоқдалар.

Ю. В. Андропов Баёнотининг ҳар бир сатри жаҳон тараққиёти ҳозирги фавқулодда хатарли паллага кирганлиги муносабати билан ташвишланиш ва инсониятнинг тақдири учун чуқур масъулият туйғусини ифодалайди, деб ёзади Венгрияда чиқадиган **«Непсабадшаг»** газетаси. Ядро ҳалокатининг олдини олиш — замонамизнинг энг муҳим масаласидир. Ю. В. Андропов ҳозирги АҚШ маъмуриятининг урушқоқлилик йўлини фош қилиб ташлади, бу йўлнинг моҳияти бошқа давлатлар ва халқларнинг манфаатларини писанд қилмай, АҚШнинг дунёда ҳукмронлик позициясини таъминлаб олишга уринишдан иборат эканини кўрсатиб берди.

Ю. В. Андроповнинг Баёноти инсониятнинг тинч турмушга бўлган ҳуқуқини ҳимоя қилувчи актуал ва ғоят муҳим ҳужжатдир, деб таъкидлайди Монголиядаги **«Унэн»** газетаси. Унда АҚШнинг ҳозирги маъмурияти халқаро ишларда ўтказаётган йўлга принципиал баҳо берилган, бу йўлнинг тинчлик иши учун ҳалокатли эканлиги фош этилган. Совет раҳбари Вашингтон ҳукмдорларининг империячилик даъволарини қоралаб-гина қолмай, шу билан бирга инсониятни ҳозирги мураккаб халқаро шароитида ядро ҳалокатидан омон асрашнинг реал йўлларини жуда очиқ-равшан кўрсатиб ҳам берди.

Совет Иттифоқи, деб таъкидлайди Швейцарияда чиқадиган **«Журналь де Женев»** газетаси, Вашингтон маъмуриятининг сиёсатини инсон зотига нафрат билан қарайдиган хатарли сиёсат деб атади. У АҚШнинг Европадаги ядро қуролларини қисқартиришга доир Совет — Америка музокараларидаги «эпчил» деб аталган янги юришини номақбул бир нарса, деб рад этди. Вашингтон маъмурияти, деб уқтирди Совет раҳбари, Женева музокараларида вақтни чўзиб, сўнгра Ғарбий Европада «Першинг-2» баллистик ракеталарини ва катта олисликка учириладиган қанотли ракеталарни жойлаштириб олиш мақсадини кўзлайди.

Деҳлидаги **«Таймс оф Индиа»** газетаси бундай деб ёзади: Ю. В. Андропов Вашингтоннинг энг оддий ахлоқ-одоб қоидаларини қўпол равишда бузаётганлигини, давлат арбобларига ва давлатларгагина эмас, ҳатто БМТга ҳам ҳурматсизлик қилаётганлигини кескин танқид қилди. Шу муносабат билан у тинчлик ва хавфсизликни сақлаб туриши лозим бўлган БМТ шу ташкилотнинг яхши номини ҳақорат қилаётган мамлакатда туриши мумкинми? — деган саволни ўртага қўйди.

(ТАСС).

РАСМИЙ ҲУЖЖАТ СИФАТИДА

НЬЮ-ЙОРК, 3 октябрь. (ТАСС). КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Ю. В. Андропов Баёнотининг тексти Бирлашган Миллатлар Ташкилотида Бош ассамблея ва БМТ Хавфсизлик Кенгашининг расмий ҳужжати сифатида тарқатилди. Мазкур Баёнотда совет кишиларига, бошқа халқларга ва давлатларнинг сиёсатини белгилаш учун масъул бўлган ҳамма кишиларга АҚШ ҳозирги маъмуриятининг халқаро ишларда ўтказиб келаётган йўлига совет раҳбарларининг берган баҳоси маълум қилинади.

МУЗОКАРАЛАР ЯНА БОШЛАНДИ

ВЕНА. (ТАСС). Бу ерда Совет Иттифоқининг тинч ядро қурилмалари — атом электр станциялари ва тадқиқот реакторларининг бир қисмини атом энергияси халқаро агентлиги назорати остига ўтказиш тўғрисида СССР билан ана шу агентлик ўртасида музокаралар яна бошланди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громиконинг БМТ Бош Ассамблеясининг қуролсизланишга бағишланган иккинчи махсус сессиясида сўзлаган нутқида шу ташаббус олға сурилган эди.

ҲИНДИСТОННИ ЭЛЕКТРЛАШТИРИШДАГИ МУВАФФАҚИЯТЛАР

ДЕҲЛИ, 4 октябрь. (ТАСС мухбири). Уттар-Прадеш штатидаги Кхари қишлоғида шу куни байрам бўлди: барча хонадонларда электр лампочкалари ёқилди.

Қишлоқни электрлаштириш давлат корпорацияси раиси М. Венкатараманнинг матбуот конференциясида хабар беришича, ҳозирнинг ўзидаёқ Ҳиндистоннинг 570 мингта яқин қишлоғидан 55,6 проценти электрлаштирилди. Бу йил йигирма мингдан кўпроқ қишлоқ аҳоли пунктларига электр линиялари тортилди.

Ҳиндистон мустамлакачилик асоратини улоқтириб ташлаган 40-йилларнинг ўрталарида электрлаштирилган қишлоқлар деярли бармоқ билан саноқли даражада бўлганлигини ҳисобга олганда бу муваффақият айниқса қувонтирарлидир. Электрлаштириш республикани социал-иқтисодий жиҳатдан жадал ривожлантириш тадбирлари комплекс планида белгиланган 20 моддадан иборат янги социал-иқтисодий программанинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Шу программага мувофиқ келгуси ўн йиллик ўрталарига бориб Ҳиндистонда қишлоқ районларини электрлаштириш ишлари ниҳоясига етади.

А. ВИНОГРАДОВ.

ХАЛҚАРО МАВЗУДА

ЖЕНЕВА: МУҲИМ ВА ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ДАВРА

Ҳозир инсоният тарихида шундай вазият юзага келганки, ҳарбий ва иқтисодий соҳаларда қудратли бўлган икки давлат АҚШ ва СССР ўртасида ядро уруши келиб чиқмоқдек бўлса, бу уруш классик тушунчадаги ғолиб ва мағлуб томон бўлмай, иккала томон ҳам ва бошқа мамлакатлар ҳам куйиб кулга айланади. Ана шу реалликдан келиб чиқиб, ядро асрида икки система давлатлари ўртасидаги муносабатлар фақат тинч-тотув яшаш принциплари асосида ўрнатилиши керак.

Доимо устунликка интилаётган, бошқа мамлакатлар халқларига таҳдид солиб, куч билан сиёсат ўтказишни нормага айлантирган Америка империализми ўзининг табиатига ёт бўлса ҳам, лекин вужудга келган объектив вазиятни ҳисобга олиб, 70-йилларда Совет Иттифоқи билан тинч-тотув яшаш принциплари асосида муносабат ўрнатишга мажбур бўлган эди. Шу йилларда ядро қуроли пойгасини бир оз бўлса ҳам жиловлашга олиб келган Совет—Америка битимлари имзоланди.

Америка ҳукуматини сўнггги йилларда бошқарган президентлар ва айниқса 1981 йилда ҳокимият тепасига келган президент Рейган маъмуриятининг олиб бораётган сиёсати икки система давлатлари ўртасида қарама-қаршиликнинг яна кучайишига олиб келди.

Ҳозир Қўшма Штатларда кучайтирилган қуролланиш пойгаси сиёсати миллий хавфсизликни мустаҳкамлаш ниқоби остида олиб борилмоқда. Ўз хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ҳаракатлар иккинчи томон хавфсизлигига путур етказмаса, уни табиий бир ҳол деб қараш керак. Ўз хавфсизлигини мустаҳкамлаётган томон, агар унинг бутун ҳаракатлари шунга қаратилган бўлса, иккинчи томоннинг ҳам шу мақсаддаги ҳаракатларини тўғри баҳолай олиши керак. Чунки хавфсизлик тушунчаси бўлинмас тушунча. Ўзига нисбатан хавфсизлик кўпроқ, бошқага эса камроқ эмас, балки иккала томонга ҳам баб-баравар бўлиши керак. Ғарбий Европанинг қатор мамлакатларида янги ракеталарни жойлаштириш режасини амалга оширишга шошилаётган Вашингтон маъмуриятига бу нарса яхши аён бўлса керак, деб ўйлаймиз.

Ҳозир энг муҳим бўлиб турган масала — қуролланиш пойгасининг яни, ниҳоятда хавфли давраси бошланмасдан унинг олдини олишдан иборат. Гап Европада Американинг янги ракеталари жойлаштирилиши натижасида оғир оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган воқеалар устида бормоқда. Совет Иттифоқи бунга йўл қўймаслик учун ўзига боғлиқ ҳамма ишларни қилмоқда.

Салкам икки йилдан бери Женевада Европада ўртача олисликка учувчи воситаларни қисқартириш бўйича олиб борилаётган Совет—Америка музокараларида СССРнинг тутаётган позицияси ҳозир мавжуд бўлган тенгликни сақлаб қолиш ва баб-баравар хавфсизлик асосида қуролларни қисқартирилишига эришишдан иборатдир. Лекин, ҳозирга қадар Женева музокараларида олдинга қараб силжиш бўлгани йўқ. Бунинг сабабини Қўшма Штатларнинг бу борада тутаётган позициясидан излаш керак.

Маълумки, АҚШ бу музокараларда «нуль вариант», «оралиқ вариант» деб аталган, кўзланаётган мақсади жиҳатидан бири иккинчисидан фарқ қилмайдиган таклифлар билан иштирок этмоқда. Бу таклифларнинг моҳияти шундан иборатки, АҚШнинг Европадаги олдинги марраларда жойлаштирилган, Совет Иттифоқига хавф солиб турган 700 га яқин ядро ташувчи самолётлари ва уларга ўрнатилган ядро қуроллари шу бўйича қолаверар экану, Совет Иттифоқининг ўртача олисликка учадиган барча ракеталари тугатилиши керак экан. Бу таклифларни Совет Иттифоқи АҚШнинг 600 га яқин янги ракеталари Европада жойлаштирилмаслиги эвазига қабул қилиши керак эмиш. Агар Вашингтон таклифлари бўйича иш тутиладиган бўлса, кучлар нисбати бирга икки, ҳатто бирга уч миқдорида НАТО фойдасига ўзгарган бўлади. Женевадаги музокаралар натижа бермай, Қўшма Штатлар шу йилнинг декабридан бошлаб Ғарбий Европада 600 га яқин янги ракеталарини жойлаштирса ҳам кучлар нисбати ҳозиргига қараганда бирга бир ярим ва ҳатто бирга икки даражада НАТО давлатлари фойдасига ўзгаради.

Айтиб ўтиш керакки, 1945 йилдан бери дунёда катта уруш олови чиқиб кетмай, халқаро вазият нисбатан бўлса ҳам барқарор экан, бунга сабаб икки ижтимоий-иқтисодий системаларга мансуб давлатлар ўртасида мавжуд бўлган ҳарбий стратегик тенгликдир. 70-йилларда вужудга келган тенглик империализмнинг агрессив ниятларини тийиб турувчи омилдир. Бугунги кунда империалистик доиралар, биринчи навбатда президент Рейган маъмурияти ана шу тенгликни бузиб, кучлар нисбатини Қўшма Штатлар фойдасига ўзгартиришга, Совет Иттифоқи устидан ҳарбий устунликка эришишга интилмоқдалар.

Совет Иттифоқи эса Европада, умуман дунёда ҳеч бир давлатнинг хавфсизлигига зарар етказмай, мавжуд тенгликни бузмай, тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш мумкин, деб ҳисоблайди ва шунга қаратилган таклифларни илгари сурмоқда. Совет Иттифоқининг Женева музокараларида илгари сурган таклифлари ҳам ана шу негизда бир битимга келишга қаратилгандир.

СССРнинг таклифларидан бири — мавжуд воситаларнинг ҳаммасини тахминан уч баравар қисқартириб, ҳозирча СССРда ва НАТО томонида 300 тадан шундай воситалар қолдиришдан иборат эди. Бу 300 та восита НАТО таркибида бўлган Англия ва Франциянинг ўртача олисликка учадиган 162 та ракетасидан ва НАТО давлатининг 138 та ядро қуроли ташувчи самолётидан иборат бўлиши керак, Совет Иттифоқи ҳам ўз томонидан шунча ракета ва самолётларни қолдирган бўлур эди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ю. В. Андроповнинг «Правда» газетаси саволларига жавобларида баён қилинган таклифнинг моҳияти шундан иборатки, агар АҚШ Европада янги ракеталарини жойлаштиришдан воз кечса, Совет Иттифоқи мамлакатнинг Европа қисмидаги ўртача олисликка учириладиган ракеталарини Англия билан Франция ракеталари сонига баравар даражага қадар камайтиргани ҳолда камайтириладиган шу ракеталарнинг ҳаммасини, жумладан, Ғарб рўкач қилаётган «СС-20» ракеталарининг анчагина қисмини йўқ қилишга тайёр.

Совет Иттифоқи Женевада Европада ўртача олисликка учувчи воситаларни қисқартириш бўйича олиб борилаётган Совет — Америка музокараларининг ҳал қилувчи давраси арафасида жуда ҳам муҳим таклифни музокара столига қўйиб, мақсади қуролсизланиш эканлигини яна бир бор намойиш этди.

Музокараларда томонлар келишуви орқалигина бир битимга эришишлари мумкин. Совет Иттифоқи адолатли асосда, тенглик ва баб-баравар хавфсизлик асосида келишишга тайёр эканлигини Женевада икки йил давомида амалий ишлари билан кўрсатиб келмоқда. Дунё халқлари, айниқса, Женева музокараларининг ҳал қилувчи давраси бошланган шу кунларда Қўшма Штатлар томонидан ҳам келишувга олиб келадиган қадамларни кутмоқдалар.

Т. ҚОРАТОЕВ.

САНЪАТ ОЛАМИДА

МОСКВАДАГИ УНУТИЛМАС КУН

МОСКВА (ЎзТАГ махсус мухбири). Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон ССР давлат академик Катта театри артистлари кўрсатаётган ҳар бир томошани москваликлар билан пойтахт меҳмонлари қизғин ва самимий кутиб олмоқдалар. Кремлнинг Съездлар саройида тошкентлик саҳна усталари О. Меликовнинг «Икки дил достони» балетини кўрсатганларида залда узоқ вақтгача қарсаклар янграб турди.

Москвадаги гастроллар бутун театр коллективи учун жиддий ижодий имтиҳон бўлди, — деди Ўзбекистон ССР давлат академик Катта театрининг бош режиссёри, республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби Ф. Сафаров. — Бизнинг гастролларимиз ниҳоясига етай деб қолган ҳозирги вақтда биз шу имтиҳондан дуруст ўтаётганимизни айтиш мумкин. Томошабинларнинг қарсаклари ва пойтахтнинг бизга бериб қўйилган энг катта залларида бўш жойнинг йўқлиги биз учун энг яхши ва қувончли баҳодир. Биз Ўзбекистон билан азалдан дўстлик алоқалари боғлаб келаётган Москвадаги 1-шарикли подшипниклар заводининг меҳнатчилари билан ҳам ғоят тўлқинланиб учрашдик. Биз уларга катта концерт программаси тухфа этдик. Бугалги гастроллар — ажойиб маҳорат мактаби ҳам эканини, пойтахтдаги машҳур ижрочиларнинг, санъаткор коллективларнинг ижоди билан танишиш шу мактабнинг ўзига хос сабоқлари эканини айтиб ўтмоқчиман.

ССР Иттифоқ давлат симфоник оркестрининг бадиий раҳбари, Ленин мукофоти ва СССР Давлат мукофотининг лауреати, СССР халқ артисти Евгений Светланов Тошкент театрининг ишларига юқори баҳо берди. У ўзбекистонлик артистларнинг спектакллари билан танишгач, меҳмонларни ўз репитицияларига таклиф қилди. Ҳозиргача Тошкент театрининг спектакларини ўн минглаб кишилар томоша қилишди. Москвалик қурувчи П. Фомичев бундай деди:

— Мен саҳна санъатининг азалдан мухлисиман. Умуман операни, жумладан Ш. Гунонинг «Фауст» операсини жуда яхши кўраман, бу операни кўпгина саҳналарда неча марталаб кўриб тинглаганман. Энди уни биринчи бор тошкентлик артистлар ижросида кўрдим. Постановканинг оригиналлиги, бу ажойиб асарнинг янгича талқин этилганлиги бошқа кўп томошабинлар каби мени ҳам хурсанд қилди. Ўзбекистонлик артистларга уларнинг самарали ижодий изланишларида янгидан-янги муваффақиятлар тилагим келади.

Навоий номли театрнинг Москвадаги гастроллари бугун ниҳоясига етади.

ХАЛҚ ҲАВАСКОРЛАРИ

«БАЁТ» ГУЛДАСТАСИ

Бу ансамблнинг шаклланиши анча қийинчилик билан кечди. Аввало ўзига хос репертуар яратиш керак эди. Қатнашчиларнинг аксарияти профессионал санъаткорлар томонидан анчадан бери ижро этиб келинадиган куй ва қўшиқларни билишар, уларга тақлид қилишарди. Рақос ва раққосаларнинг ўйинлари эса ҳаваскорлик санъати савияси даражасида эмасди. Иштирокчиларнинг кўпи ўқув юртларидан келишганди. Нима қилиш керак? Ансамбль раҳбарлари шунда «Фақат профессионал санъаткорлар билан бамаслаҳат иш кўриш, уларнинг тажрибасини ижодий ўзлаштириш керак», деган қарорга келишди.

Тошкент шаҳар, Октябрь район 3-маданият уйи қошида ташкил этилган «Баёт» ансамбли иштирокчилари билан устоз санъаткорлар, айниқса, машҳур «Баҳор» ансамбли бажонидил тажрибалари билан ўртоқлашди. Шу ўринда бугунги кунда бадиий раҳбар ва балетмейстер бўлиб ишлаётган Азимжон Азизовнинг жонкуярлигини, ташаббускорлигини таъкидлаб ўтмоқ керак. Азимжоннинг ўзи профессионал санъаткорлар даражасида ижрочилик қобилиятига эга. Унинг ташаббуси билан «Баёт» репертуарига жуда кўп янги асарлар кириб келди. А. Азизов ансамблнинг репертуари интернационал моҳият касб этиши учун курашди. Ҳозир ансамбль программасида ижро этилаётган туркча, афғонча, ҳиндча қўшиқлар ўзининг яхши ижросини топди. Ана шу қўшиқларни шифокор Анвар Ортиқов маромида ижро этди.

Ансамбль қатнашчилари турли касб эгаларидир. Масалан, Ҳотам Қосимов ишчи, Жалолиддин Холиқов илмий ходим, Моҳира Саидова, Толибжон Исҳоқов, Мадамин Қорахоновлар эса турли ўқув юртларининг талабаларидир. Улар ижро этадиган куй ва қўшиқлар партия, она-Ватан, дўстлик, эркин меҳнат ва севги-муҳаббатни тараннум этади. Ҳаваскорлар фольклор қўшиқларини ҳам алоҳида муҳаббат билан куйлаяптилар.

«Баёт» ҳозирга қадар республика ва мамлакатимиз миқёсида ўтказилган жуда кўп фестиваль ҳамда конкурсларда қатнашди. Ансамбль Польша Халқ Республикасида, Украина ССР ва Болтиқ бўйи республикаларида ҳам концертлар берган.

«Баёт» Тошкентнинг 2000 йиллик юбилейига «Тошкент — гуллар водийси» номли вокал-хореографик композиция тайёрлади. Шуниси қувончликки, композициянинг айрим асарлари ансамблнинг яқинда РСФСР-нинг Ноқоратупроқ зонасига қилган гастролида санъат мухлислари томонидан илиқ кутиб олинди. Ишончимиз комилки, ўз сафига олтмишдан ортиқ халқ ҳаваскорини уюштирган «Баёт» ансамблининг янги йирик асари ҳам, келгусидаги изланишлари ҳам томошабинларга маъқул бўлади.

М. ФЗАЛОВА.

Ахборот

ЖИЗЗАХ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ КЎПАЙМОҚДА

Навқирон воҳада халқ хўжалигининг турли соҳаларига мутахассислар тайёрловчи ўқув юртлари кўпайиб бормоқда. Мамлакатимиздаги йирик саноат корхоналаридан бири бўлган Жиззах аккумулятор заводи қошида очилган 246-ҳунар-техника билим юрти ҳамда Дўстлик райони марказидаги республика Соғлиқни сақлаш министрлигига қарашли медицина билим юрти ана шундай янги ўқув даргоҳларидандир.

246-ҳунар-техника билим юртида ёшларга 20 хилга яқин касб-ҳунар ўргатилса, Дўстликдаги медицина билим юрти йилига 120 дан ортиқ малакали медицина ходимлари тайёрлайди.

ЯНГИ СУҒОРИШ ТАРМОҚЛАРИ

Қўриқ воҳанинг тоғли районларидаги булоқ, сой сувларидан фойдаланиб, тоғ этакларида суғориладиган деҳқончиликни ривожлантиришнинг катта имкониятлари ишга солинмоқда.

Зомин районидаги Зоминсой сув омборининг дастлабки навбатлари ишга тушиши туфайли 3 минг гектардан зиёд ер суғорилиш имкониятига эга бўлди. Галлаорол сув қурилиши трестининг 5-механизациялашган кўчма колоннаси қурувчилари эса Бахмал районидаги тоғ олди зонасига жойлашган «Сангзор» совхозини сув билан таъминловчи ўн километрдан зиёд «Нушкент» каналини қуриб битказдилар. Келажакда Галлаорол, Фориш районлари тоғли зоналарида ҳам суғориш тармоқлари ишга туширилади.

Тоғ этакларида ана шундай суғориш тармоқларининг вужудга келиши воҳанинг яна гуллаб-яшнашига олиб келади.

Т. МАҚСУДОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

● Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида янги мутахассислар — рефлексотерапевтларнинг дастлабки группаси тайёрланди. Турли ихтисосдаги шифокорлар бу ерда, невропатология кафедрасида қадимги тиббиёт восталаридан бири — нина билан даволашни ўргандилар. Суратда: медицина фанлари кандидати С. Дусаков рефлексотерапия машғулоти ўтказмоқда.

Г. Пун фотоси (ЎзТАГ).

СПОРТ

ВЕЛОСИПЕД:

ПОЙГА ТУГАДИ

Республикамизда мамлакат биринчилиги учун шоссе йўлларда велосипед бўйича кўп кунлик пойга тугади. Куйбишевлик Т. Полякова мамлакат чемпиони унвонига сазовор бўлди. Унинг командадош дугонаси Н. Кибардина иккинчи, Паневежис шаҳри динамочиси Л. Зильпорите учинчи ўринни эгаллади. Команда ҳисобида «Динамо» қизлари ғолиблик қилишди.

Ўзбекистоннинг ёш велосипедчи қизлари бу катта кўрикда муваффақиятли иштирок этишди. Айниқса, Чирчиқ шаҳрининг «Сплав» спорт клуби аъзоси Ф. Галиулина мусобақада ўзини кўрсатди. У олти босқичда яхши қатнашди ва бронза медалига асосий даъвогар бўлиб турди. Сўнгги босқичда эса имкониятларни бой берди. Ф. Галиулина бронза медали соҳибасига бор-йўғи 21 секунд ютқазди. Самарқандлик Н. Семерухина кутилмаганда мусобақанинг 5-босқичида ғалаба қозонди. 16 ёшлик спортчи учун буни илк йирик ғалаба деб ҳисобласа бўлади.

БАСКЕТБОЛ:

БИРИНЧИ ДАВРА ЯКУНЛАНДИ

Тбилиси ва Рига шаҳарларида мамлакат биринчилиги учун эркаклар командалари ўртасидаги дастлабки давра ўйинлари якунланди. Группаларда Тбилиси динамочилари ва Каунаснинг «Жальгириса» спортчилари пешқадамлик қилишмоқда.

Тошкентнинг «Университет» командаси Тбилиси группасида иштирок этаётир. 5 ўйинда улар 7 очко олишди. Мамлакат олий лигасининг 12 коллективи орасида «Университет» ҳозирча 7-ўринни эгаллаб турибди.

СУВ СПОРТИ:

СОВРИН УЧУН

Қапчиғай сув ҳавзасида СССР кубоги учун сув остида мўлжалга аниқ етиб олиш бўйича мусобақалар бўлиб ўтди. Бу ерда Ўрта Осиё, Қозоғистон, Урал, Сибирь ва Узоқ Шарқ командалари куч синашдилар.

Қизғин беллашувлардан сўнг Олмаота ва Новосибирск армия спорт клублари ҳамда Тошкент сузувчилари соврин учун финалда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

БЕЛЛАШУВЛАР, ОЧКОЛАР, ЎРИНЛАР

● Қозоғистонда мамлакат биринчилиги учун тоғ спорти бўйича мусобақалар бўлиб ўтди. Спортчилар шахсий ва команда ҳисобида мусобақалашдилар. Чирчиқлик Флюра Жирнова бу мусобақаларда олтин медалларни қўлга киритди. У шахсий биринчиликда ва икки киши бўлиб юқорига кўтарилиш машқларида рақибларидан ўзиб кетди.

● Совет гроссмейстери Гарри Каспаровга Барселонада жаҳоннинг энг кучли шахматчисига бериладиган «Оскар» мукофоти топширилди. У бу мукофотга 1982 йилги мусобақаларда эришган зафарлари учун сазовор бўлди.

ҲАР ТЎҒРИДА

СУНЪИЙ СУЯКЛАР

Японияннинг «Мицубиси» фирмаси ишлаб чиққан сунъий суяклар, деб хабар қилади Рейтер агентлиги, инсоннинг жароҳатланган суякларини муваффақиятли алмаштириш мумкин. Ўзининг химиявий таркибига кўра улар табиий суяклардан сира фарқ қилмайди. Ҳайвонларда ўтказилган дастлабки тажрибалар муваффақиятли ўтди.

«ЛИВЕРПУЛЛИК ТЎРТ ЙИГИТ» МУЗЕЙИ

Чет эл матбуотининг хабар қилишича, келаси йили Ливерпуль шаҳрида «Битлз» ансамбли тарихи маркази очилади. Муниципал маъмурлар бу музейни яратишга 1 миллион фунт стерлинг ажратдилар. Музейдан ташқари яқин орада таъмирланган «Каверн клаб» кафеси ўз эшикларини очади. Йигирма йил муқаддам ана шу кафеда «ливерпуллик тўрт йигит» ўз чиқишларини бошлаган эди.

ЙЎЛИНИ ТОПИШДИ...

Перудаги қамоқхоналардан бирида сохта пул ясовчилар тўдаси фош этилди. Жазо муддатини ўтаётган жиноятчилар бу ерда ҳам йўлини топишди. Улар сохта пул ясаб, уни назоратчилар ёрдамида қамоқхона ташқарисида «арзон-гаровда» ўтказишган.

ҚОПИНГГА СИҚҚАНИЧА ОЛАВЕР...

Ҳардамхаёллик қурсин. Мана шу туфайли Маҳаматжон Файзиевнинг азиз боши эгилиб, ич-этини еб юрибди. Ушанда тун яримлаб, темир йўл бўлинмасида навбатчилик қилаётган Маҳаматжон қўрғошиндек оғирлашиб бораётган қовоқларини кўтаролмай мудраб ўтирганди. Тўсатдан телефон жирингланди. У эринибгина трубкани кўтарди. Ховос станциясидан экан, ҳозиргина юк поезди Тошкент томонга йўлга чиққанини хабар қилишди. У ақл-ҳушини йиғиштириб оларкан, бир оздан кейин шу йўлдан пассажир поезди ўтишини эслаб қолди-ю, Меҳнат станцияси бўйича навбатчи О. Афанасьевага юк поездини ана шу станциянинг бир томони қамишзор ва тўқайзорга уланиб кетган боши берк халта йўлга қўйишни, тепловозни эса Чиноз станциясига жўнатиб юборишни буюрди. Ольга Афанасьева ҳам унинг топшириғини бажарди-да, эрталаб станция бошлиғи Валерий Павловга шу ҳақда ахборот бергач, уйига жўнаворди.

Орадан кўп ўтмай Меҳнат станцияси атрофида яшайдиган аҳоли ўртасида узун-қулоқ гаплар тарқалди: Нима дейсан, овлоқ йўлдаги поезднинг қимматбаҳо буюмлар билан лиқ тўла учта вагони эшиклари ланг очиб қўйилганмиш, сўқмоқдан йўли тушган одам истаса, почапўстинли куртка, истаса, ялтироқ рўмолу, атир-упалардан тортиб ипак чойшабларгача қўлтиғига сиққанича олиб кетаётганмиш. Вагонлар қоровулсиз, ҳеч ким ҳеч нарса демаётганмиш, ҳоказо ва ҳоказолар...

Воқеа аслида бундай бўлганди. Станция ишчиларидан В. Петров, В. Ванин, С. Малаховский, Ю. Кубанов киши кўзидан пана жойда турган поезддан хабар топиб, биргаликда «тунги овга» чиқишди. Улар вагонлардан бирини танлашди-да, муҳрини бузиб, эшигини ланг очишди. Қайси кўзлари билан кўришсинки, вагон полидан шифтигача чиройли қутичаларга солинган аёлларнинг ялтироқ рўмолари, ҳар хил қўлқоплар, қимматбаҳо чойшаб ва атир-упаларга лиқ тўла эди.

— Бахтимиз келиб қолди, пичоғимиз мой устида бўладиган бўлди, — ҳовлиқиб деди С. Малаховский. — Кўтарганларингча олаверларинг.

Тўртови ана шу моллардан кўтарганларича олиб, сўқмоқ йўл билан орқаларига қайтишди. Вагонларнинг эшиги эса очилганча қоларди. Улардан сўнг шу атрофда ўралашиб юрган Е. Гоменюк, Б. Кайназаров, В. Леопов, ундан кейин В. Куприянов, Р. Тошматов, Н. Куликовлар ҳам вагонларга бемалол кириб, қўлларига илинган буюмларни қопларга тиқиб, орқалаб олиб кетишди. Сўнг А. Зотов, И. Фёдоров, Б. Боймирзаев, Д. Бўриметов, Н. Низомовлар келишди. Бир эмас, бир неча марталаб, қайта-қайта қатнашди. Хомталаш қилинган молларни гоҳ енгил машинада, гоҳ мотоциклда ташиб кетганлар ҳам бўлди. Аммо кишини ёқа ушлатадиган, энг таажжубланадиган жойи шу бўлдики, бу ҳақда Меҳнат посёлкасида дув-дув гап тарқалган бўлса ҳам, негадир бу хабар станция ходимларининг қулоғига етиб бормади. Тўғриғи, вагонлар қаровсиз қолдирилган ўн беш кун мобайнида уларнинг кўзлари кўр, қулоқлари гаранг бўлди. Станциядаги мутасадди ходимларнинг бепарволиги шу даражага етдики, ҳатто бир куни ярим тунда вагон назоратчиси В. Дубровский навбатчи О. Афанасьевага овлоқ жойдаги вагонлар атрофида шубҳали одамлар ивирсиб юргани тўғрисида хабар берганида, Ольга Георгиевна уни калака қилишгача бориб етди.

— Анувнақадан ичиб олмаганмисиз? — деди у тирнгандим бир йигит сакраб тушганини кўриб қолдим. Яқинроқ бориб қарасам, шериги ҳам бор экан. «Сен ҳам рўмолга келдингми, ичкарига кириб қопингга сиққанича олавер, ҳали анча бор», деди. Қўрқиб, сизга хабар бергани келдим.

— Бўпти, боравер ишингга, балки улар дарёга балиқ овлагани бораётган балиқчилардир, — О. Афанасьева шундай деб Дубровскийни жўнатиб юборди.

Шундай қилиб, ярим ой ичида эгасиз қолдирилган вагонлардан давлатнинг 81609 сўм 84 тийинлик моли талон-торож бўлиб кетди.

Хўш, бу воқеа юқорида номлари келтирилган темир йўл ходимларида кейинчалик қандай таассурот қолдирди? Бу ишни текшириш жараёнида биз энг аввало, Тошкент темир йўл бўлинмаси навбатчиси Маҳаматжон Файзиевнинг юрагига қўл солиб кўрдик.

— Юк поездини Меҳнат станциясининг чекка йўлига қўйиш тўғрисида буйруқ беришга бердим-у, бироқ бу поездни соҳчи билан таъминлаш лозимлигини эсдан чиқариб қўйибман. Ўша кунларда иш ниҳоятда кўпайиб кетган эди. Шу сабабли эртаси куни бу поезд бутунлай хаёлимдан кўтарилиб кетибди, — деди бепарволик билан у.

Меҳнат станцияси бўйича навбатчи О. Афанасьеванинг гапи Файзиевникидан ҳам ошиб тушди.

— Поезд қўриқланяптими, йўқми, бу билан ҳатто қизиққаним ҳам йўқ, — деди юзсизларча у. — Эртаси куни эрталаб станция бошлиғи Павловга поезд тўғрисида ахборот бериш билан чекланиб қўя қолдим. Дубровскийнинг гапига эса шунчаки бир ваҳима қилаётгандир, деб ишонмадим.

Энди Меҳнат станцияси бошлиғи Е. Павловнинг гапини эшитинг.

— Ўша поезднинг атрофидан ҳар куни ўн марта айланиб чиққанман. Буни қарангки, вагонларнинг эшиги очиқлигини кўрмабман-а...

Улар ҳеч нарсани, ўн беш кун давомида буткул эгасиз қолиб кетган поездни ҳам, унинг атрофида ивирсиб, ўғирлик қилаётган кимсаларни ҳам, қўйингчи, ҳатто Афанасьеванинг столи устида ярим ой мобайнида тахи бузилиб ўқиб ҳам кўрилмаган шу поездга доир ҳужжатларни ҳам кўришмабди. Қилғилиқни қилиб қўйиб, пешаналари деворга «тақ» этиб текканидан кейингина, ўзларининг бепарволиги ва масъулиятсизлиги давлат мулкининг талон-торож бўлиб кетишига сабаб бўлганлигини ниқоблаш учунгина юқорида қайд қилинганидай, пойинтар-сойинтар гапларни гапириб ўтиришибди.

Фельетонимизга нуқта қўяр эканмиз, яна шуни ҳам алоҳида таъкидламоқчимизки, давлат мулкига кўз олайтирган ўғрилар ушланди, улар қонун олдида албатта жавоб берадилар. Аммо номлари юқорида зикр этилган мутасадди ходимларнинг давлат ва халқ бойлигига нисбатан шу қадар лоқайд, шу қадар бепарво, шу қадар жиноятчилар муносабатда бўлганликлари кишиларни ҳайрон қолдиряпти. Шундай савол туғилади: қани уларда давлат манфаатини ҳамма нарсадан юқори қўйиш? Қани бу ерда ўзига топширилган ишончга виждонан муносабатда бўлиш? Қани бу ерда давлат интизомига қатъий риоя қилиш? Наҳотки улар давлатнинг шунча бойлигини ўғриларга талатиб қўйиб ҳотиржам юраверишса?

Биз жонажон партиямизнинг шахсий масъулиятни ошириш, давлат ва жамоат мулкини муқаддас сақлаш тўғрисидаги кўрсатмаларини юзсизларча бажармаётган шахсларга нисбатан қатъий принципиаллик билан муносабатда бўлишимиз керак.

А. ХЎЖАХОНОВ,
Р. ТУРСУНОВ.

ФЕЛЬЕТОН

ИЛИҚ ҲАВО ЧЕКИНМОҚДА

Ўрта Осиё республикаларида ҳаво тез-тез илиб, совиб туради. Ойнинг 10—15 кунлари республиканинг ҳамма жойларида ҳаво булутли бўлади. Одатда октябрь ойининг тўрт куни ёғингарчилик бўлади.

1951, 1982 йилларнинг октябрь ойида баъзи районларда 18 кунгача ёғингарчилик бўлган. Айрим жойларда ёмғир қорга айланган. 1964, 1974 йилларнинг октябрь ойларида ёғингарчилик бўлмади. 1957, 1969, 1976, 1977, 1982 йиллари октябрь ойида ёғингарчилик кўп бўлди. 1977 йил кўпгина районларда ёғингарчилик миқдори 100—130 миллиметрга етди. 1976 йилнинг октябрида Тошкентда 107 миллиметр миқдорида ёмғир ёғди. 1907, 1949, 1953, 1964, 1976 йиллари Арктикадан келган совуқ ҳаво оқими туфайли республиканинг ҳамма областларида ҳарорат совуқ келди. Ўша йилларнинг октябрь ойида кечалари 8—12, шимолий районларда 13—17 даражагача совуқ бўлган.

1941, 1963, 1972, 1979 йилларнинг октябрида Яқин Шарқ мамлакатларидан келган иссиқ ҳаво таъсирида симоб устуни октябрь ойида кундузи 35—38, Қорақалпоғистон АССРда 32—34 даража иссиқни кўрсатди.

Т. ТОЙЛОҚОВ,
Ўзбекистон ССР Гидрометеорология маркази бош инженери.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳри, Узбекистон ССР 50 йиллиги проспектидаги

ОБУНА НАШРЛАРИ МАГАЗИНИДА

ва республика шаҳарларидаги обуна нашрлари магазинида

ҚУЙИДАГИ НАШРЛАРГА ОБУНА БОШЛАНДИ

К. МАРКС ва Ф. ЭНГЕЛЬС тўққиз жилдли танланган асарлари (10 китоб).

Обуна пайтида бир сўм бай пули тўланади.

Бу нашр партия ўқуви системасида ва олий ўқув юртларида ўрганишга тавсия этиладиган қарийб барча асарларни ўзига қамраб олган.

В. И. ЛЕНИННинг 10 жилдли (11 китоб) танланган асарлари.

Обуна пайтида бир сўм бай пули тўланади.

Яхшигина кутубхонани ташкил этадиган В. И. Ленин танланган асарларининг 10 жилдлиги Ленин назарий мероси проблемалари бўйича кенг омма учун энг муносиб билим манбаи бўлиб қолади.

✦

СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги

ЎРТА ОСИЁ МЕДИЦИНА ПЕДИАТРИЯ ИНСТИТУТИ КАФЕДРАЛАР БЎЙИЧА

вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Катта ўқитувчилар: (рус тили (2), чет тили, жисмоний тарбия;

ассистентлар: умумий хирургия № 2, суд-медицинаси (0,5), онкология (0,5), 2-болалар касалликлари (1,5), 3-болалар касалликлари (0,5), болалар юқумли касалликлари № 2, юқумли касалликлар (0,5 ставка);

ўқитувчилар: физика (2), чет тиллари (0,5) фалсафа (0,5 ставка).

Конкурс муддати — 14 октябргача.

Мурожаат учун адрес: 700140, Тошкент шаҳри, Чермет кўчаси, 103-уй.

✦

Узбекистон ССР Фанлар академиясининг

ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОХИМИЯ ИНСТИТУТИ

физика ва тупроқ технологияси лабораторияси кичик илмий ходими вакант вазифасига

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Конкурс муддати — 24 октябргача.

Мурожаат учун адрес: 700109, Тошкент шаҳри, Қамарнисо кўчаси, 3-уй, телефон 46-09-50.

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 5/Х да Ун учинчи ранс.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 5/Х да Тошкентнинг нозанин маликаси.

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — «Аёл йиртқичлар даврасида» аттракциони иштирокида Москва цирки артистларининг гастроллари.

Ўзбекистон ССР Госстройи, УзНИИградострой ва УзГПИТИ институтларининг коллективлари Ўзбекистон ССР Госстройи раисининг ўринбосари Х. М. Носировга укаси

Азиз Муҳиддинович НОСИРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитети коллегияси, партия ва касаба союз ташкилотлари Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларига радиоэшиттириш Бош редакциясининг бош редактори Х. Х. Йўлдошбоева опаси

Ойшахон ЙЎЛДОШБОЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

5 ОКТЯБРЬ, ЧОРШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Саёҳатчилар клуби 10.40 — Д'Артаньян ва уч мушкетёр. Бадиий фильм. 3-серия. 11.50 — Халқ куйлари. 12.05 — Ҳужжатли фильмлар. 12.55 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.15 — Горнчилар, қаердасиз! 17.05 — Рус тили. 17.35 — Ёшлар адреслари. 18.05 — Мультфильм. 18.15 — Инсон — ер хўжайини. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.35 — Спорт ҳафталиги. 20.05 — Даврани кенг олинг. 21.30 — Время. 22.05— Футбол. СССР — Греция. 23.45 — Дунё воқеалари.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Телефильм. 9.35 ва 10.35 — Жамиятшунослик. 10.05 ва 14.15 — Немис тили. 11.05 — Қадимий Шарқ санъати. 11.35 ва 12.40 — Н. В. Гоголь. Тарас Бульба. 12.05 — Ота-оналар, Сизлар учун. 13.10 — Астрономия. 13.40 — Сен қонунни биласанми? 14.45 — Сенинг ленинча кутубхонанг. 15.25 — Одамлар раҳмат деймиз. 15.55 — А. М. Горький. Америка ҳақида очерклар. 16.30 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — Камалак. 19.00 — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони. УССР Олий Советининг депутати, Николаев областидаги С. М. Киров номли колхоз раиси Н. Н. Рябошапка билан учрашув. 20.00 — Ҳужжатли фильм. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар. 20.45 — Е. А. Кибрик ижоди. 21.30 — Время. 22.00 — Сенинг қўлларинг ҳарорати. Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ-I. 11.30 — Фильм-концерт. 12.00 — Сўз кетидан сўз келар. 12.20 — Ҳужжатли фильм. 12.30 — Ботаника. 13.00 — Кундузги сеанса икки билет. Бадиий фильм. 18.05 Мультфильмлар. 18.30 — Тенгдошларинг ижоди. 19.00 — 1 Макромолекулалар симпозиуми. 19.30 —Ахборот. 19.45 — Биз — ватанпарвар интернационалистлармиз. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Самарқандда ўтказиладиган музикашуносларнинг II Халқаро симпозиуми олдидан. 21.30 — Время. 22.05 — Халқаро аҳвол кундалиги. 22.20 — Россиянинг оппоқ қори. Бадиий фильм. 23.50 — Янгиликлар.

ТОШКЕНТ-II. 9.00 — 16.35 — Москва-II.

18.10 — Телеспектакль. 19.20 — Билимлар — ишлаб чиқаришда ишловчиларга. 19.50 — Янгиликлар. 20.10 — Жаноби олийларининг адъютанти. Бадиий фильм. 3-серия. 21.30 — МТ-II.

6 ОКТЯБРЬ, ПАЙШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Горнчилар, қаердасиз! 10.25 — Чаманзор гуллари. Бадиий фильм. 11.50 — Ҳужжатли фильмлар. 12.20 — Халқ ижоди. 13.05 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.20 — Ерда, самода ва денгизда. 16.55 — Концерт. 17.25 — Москва ва москваликлар. 17.55 — Илмий оммабоп фильм. 18.15 — Шахмат мактаби. 18.45 — Миллионлар ленинча университети. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Республика эълон қилинганлигининг 34 йиллигига бағишланган Германия Демократик Республикаси телевидениесининг программаси. 21.30 — Время. 22.05 — Олдинда — океан. Бадиий фильм. 1-серия. 23.15 — Кўргазмадан манзаралар. 23.45 — Дунё воқеалари.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Ҳужжатли фильм. 9.35 — Генетик инженерлик. 10.05 ва 14.20 — Испан тили. 10.35 — Паустовскийни такрор ўқиб. 11.30 — Қадимий Греция санъати. 12.00 — Сиз яратган боғ. 12.30 — Ёзувчилар Ленин ҳақида. 13.00 — Биз колхозда қоламиз. 13.30 — Тарих саҳифалари. 14.00 — Табиат сири. 14.50 — Миннитр бўлмоқчиман. Бадиий фильм. 16.20 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — Илмий-оммабоп фильм. 19.00 — Онамларнинг мактаби. 19.30 — Қишлоқ янгиликлари. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар. 20.45 — Сиз бунга қодирсиз. 21.30 — Время. 22.05 — Ҳужжатли экран.

ТОШКЕНТ-I. 11.30 — Мишка — сеҳргар. Бадиий фильм. 12.00 — Ҳужжатли фильм. 13.00 — Касблар ҳақида ҳикоялар. 18.05 — Фильм-концерт. 18.20 — Сўз кетидан сўз келар. 18.40 — Меҳнат ҳуқуқи. 19.00 — Ишга туширилaдиган объектлар — ўз муддатида. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Мультфильм. 20.00 — Дунё воқеалари. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари музика маданияти анъаналари ва замонавийлик. 21.30 — Время. 22.05 — Хирмонингизга барака. 22.25 — Баҳс. 23.30 — Янгиликлар.

ТОШКЕНТ-II. 9.00 — 16.25— Москва-II.

18.15 — Телефильм. 18.30 — Буюк ҳайвон ўргатувчи. Бадиий фильм. 19.45 — Реклама. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Жаноб олийларининг адъютанти. Бадиий фильм. 4-серия. 21.30 — Москва-II.

РАДИО

5 ОКТЯБРЬ, ЧОРШАНБА

— Эстрада концерти. 9.30 — Совет Ўзбекистони: одамлар, ишлар ва режалар. 11.15 — КПСС XXVI съезди ривожланган социализмнинг иқтисодий сиёсати ҳақида. 11.25 — Ёш композиторларнинг асарларидан концерт. 12.10 — Узбекистан индустриальний. 13.00 — Чорвадор. 14.00 — Табаррук замин. 19.25 — Чолғу куйлари. 20.50 — Шеърият кечаси. Н. Нарзуллаев ва З. Обидов шеърлари. 21.10 — Хайрли тун. 22.30 — Радиотингловчиларнинг талабларига биноан концерт.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент-П. Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 33-11-49, 32-54-13.

Р. — 02202. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. Б. — 230. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12 13 14 15